*Ишбилармон, мардлик ва шижоат соҳиби, азми қатъий, тадбиркор ва ҳушёр бир киши минг-минглаб тадбирсиз, лоқайд кишилардан яхшидир.*

# ASR XXI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

Газета 2004 йил 1 январдан чиқа бошлаган

**2011 йил 20 январь, пайшанба**

**03 (375)-сон**

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O`ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI



ПАХТА ХОСИЛДОРЛИГИ 2003 ЙИЛДАГИГА НИСБАТАН ГЕКТАР ҲИСОБИГА 4,9 ЦЕНТНЕР, ГАЛЛА ҲОСИЛДОРЛИГИ ЭСА 9,5 ЦЕНТНЕР КЎПАЙДИ

02 ПАРЛАМЕНТДА



КУТУБХОНА ФОНДИ 100 МИНГГА ЯҚИН КИТОБДАН ИБОРАТ БЎЛИБ, АНА ШУ ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМАЛАРИ ҲАМДА СОҲАГА ОИД АДАБИЁТЛАРНИНГ 40 МИНГГА ЯҚИНИ ЭЛЕКТРОН ШАКЛДАДИР

05 МУНОСАБАТ



БРАЗИЛИЯНИНГ ЖАНУБИ-ШАРҚИЙ ҲУДУДЛАРИ, ХУСУСАН, ТЕРЕСОПОЛИС, НОВА-ФРИБУРГ, СУМИДОР, ИТАЙПАВА ВА ПЕТРОПОЛИС ШАҲАРЛАРИДА КУЧЛИ ЁМҒИРНИНГ СЕЛ ВА КЎЧКИЛАРНИ КЕЛТИРИБ ЧИҚАРГАНИ 700 НАФАРДАН ОРТИҚ ИНСОННИНГ ЎЛИМИГА САБАБ БЎЛДИ

07 ХАЛҚАРО ҲАЁТ

## АНОНС

### ДИҚҚАТ: РУЛДА НОЗИКЛАР!

Соҳа мутахассисларининг фикрича, **2010** йилда пойтахтимизда ҳайдовчилик гувоҳномасига эга бўлганларнинг **45** фоизини хотин-қизлар ташкил этган

» 04

### МИЖОЗЛАР ИШОНЧИ МУВАФФАҚИЯТ ГАРОВИДИР

Ўтган йил якунларига кўра «Агробанк»нинг Бухоро вилоят бошқармаси кичик бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида ўз маблағи ҳисобидан **24,5** млрд. сўм ажратиб, **3383** та янги иш ўрни ташкил этилишига эришди

» 06



### РЕГИСТОН ҚАЕРДА ЖОЙЛАШГАН?

Эртага Вадим Абрамов мураббийлигидаги миллий терма жамоамиз «Қатар-**2011**» мусобақасининг чорак финалида Иордания термасига қарши майдонга тушади

» 08

# Инновация




**ЮРТБОШИМИЗ ТОМОНИДАН ЯРАТИЛГАН «МАМЛАКАТИМИЗДА ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ КОНЦЕПЦИЯСИ»ДА ЯНГИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ, АЙНИҚСА, ДЕМОКРАТИК БОЗОР ИСЛОҲОТЛАРИ ВА ИҚТИСОДИЁТНИ ЛИБЕРАЛЛАШТИРИШНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛУВЧИ «ИННОВАЦИЯЛАР ВА ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУН ЗАРУРЛИГИГА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛДИ. БУ БИРИНЧИ ГАЛДА ЎРТА СИНФ МАНФААТИНИ ҲИМОЯ ҚИЛАЁТГАН ЎЗБЕКИСТОН ЛИБЕРАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ЗИММАСИГА МАСЪУЛИЯТЛИ ВАЗИФА ЮКЛАЙДИ**

Конституциямиз қабул қилинганининг 18 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаларида ҳам Президентимиз бу масалага алоҳида урғу бериб: «...саноат соҳасида, юқори технологияларни талаб этадиган замонавий ишлаб чиқариш тармоқларини ташкил этишда, инновацион ва нанотехнологиялар, фармакология ва фармацевтика, ахборот-коммуникация тизими, биотехнология, муқобил энергетика турларидан фойдаланиш соҳасида, мухтасар айтганда, илғор илм-фан ютуқларига асосланган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга кенг йўл очиб беришимиз зарур», дея таъкидлаган эдилар.

Ҳақиқатан ҳам ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга қаратилган бозор субъектларининг инновацион фаолияти механизмини яратиш бугун мамлакатимиз иқтисодий сиёсатининг энг устувор вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда.

» 03




# Ўрта синф — *барқарор тараққиёт кафолати*

**ИСТИҚЛОЛ ЙИЛЛАРИ МАМЛАКАТИМИЗДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН УЛКАН БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИ ТУФАЙЛИ ХАЛҚИМИЗ ҲАЁТИ, ТУРМУШ ТАРЗИ, ТАФАККУРИ ВА ЖАМИЯТИМИЗ ҚИЁФАСИ ТУБДАН ЎЗГАРГАНИНИ НАФАҚАТ ЮРТДОШЛАРИМИЗ, БАЛКИ ДУНЁНИНГ ЭНГ КЎЗГА КЎРИНГАН СИЁСАТШУНОСЛАРИ, ТАНИҚЛИ ЭКСПЕРТЛАР ҲАМ ЭЪТИРОФ ЭТМОҚДАЛАР. ЎТГАН АНА ШУ ДАВРДА ЮРТБОШИМИЗ ТОМОНИДАН АСОСЛАБ БЕРИЛГАН "МАМЛАКАТИМИЗДА ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ КОНЦЕПЦИЯ"СИНИ АМАЛГА ОШИРИШ УЧУН ИҚТИСОДИЙ, ИЖТИМОИЙ, СИЁСИЙ ВА МАЪНАВИЙ АСОСЛАР ҲАМ ЯРАТИЛДИКИ, УШБУ ТАРИХИЙ ҲУЖЖАТ ПРЕЗИДЕНТИМИЗ РАҲНАМОЛИГИДАГИ ТУБ ИСЛОҲОТЛАР ЖАРАЁНИНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИНИ БОШЛАБ БЕРДИ**

Бу эса кейинги йилларда ҳам юртимизнинг барқарор тараққиёти, ривожланиш тамойилларининг изчил амалга оширилиши таъминланади, деганидир. Бугун дунёнинг таниқли давлат арбоблари, таҳлилчи олимлари ҳам Концепцияда мамлакат тараққиётининг келгусидаги асосий йўналишлари ва бундан келиб чиқадиган устувор вазифалар белгилаб берилганини эътироф этмоқдалар. Бу вазифалар орасида эса мулкчилик муносабатларини янада такомиллаштириш, ўрта синфни шакллантириш энг муҳим вазифалардан бири саналади, албатта.

3 ►►

## ТАДБИРКОРЛАР, ФЕРМЕРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР ДИҚҚАТИГА!

**O'ZLIDEP СИЁСИЙ КЕНГАШИ ИЖРОИЯ ҚЎМИТАСИ ҚОШИДА БИЗНЕС ТУЗИЛМАЛАР ВА ФЕРМЕРЛАР БИЛАН ИШЛАШ БЎЛИМИ ҲАМДА ДЕМОКРАТИК БОЗОР ИСЛОҲОТЛАРИНИ ВА ИҚТИСОДИЁТНИ ЛИБЕРАЛЛАШТИРИШ ТАҲЛИЛИЙ МАРКАЗИ ТАШАББУСИ БИЛАН «ТАДБИРКОРЛАР ВА ФЕРМЕРЛАР МУЛОҚОТИ КЛУБИ» ЛОЙИҲАСИ ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ.**

2011 йилнинг 20 январь куни ушбу лойиҳа доирасида ўтказиладиган илк тадбир Юртбошимизнинг Конституциямиз қабул қилинганининг 18 йиллигига бағишланган тантанали маросимда "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастури лойиҳасини ишлаб чиқишда кичик бизнес субъектларига ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва технологик янгилаш учун ўрта ва узоқ муддатга мўлжалланган кредитлар бериш тизимини янада такомиллаштириш, мавжуд муаммоларнинг ечими бўйича амалий чора-тадбир кўриш масаласига алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги ҳақидаги кўрсатмалари муҳокамасига бағишланади.

"Банк-молия муассасалари — кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг барқарор таянчи" мавзуида ўтказилган амалий мулоқотда O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси аъзолари, "Асакабанк" давлат акциядорлик-тижорат банки республика бошқаруви раҳбарлари, банкнинг вилоят филиаллари масъул ходимлари, тадбиркорлар, фермерлар иштирок этиши кўзда тутилган.

**Мулоқот соат 11.00 да бошланади.**

**Кичик бизнес субъектларига ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва технологик янгилаш учун ўрта ва узоқ муддатга мўлжалланган кредитлар бериш тизимини янада такомиллаштириш бўйича таклифларингиз ва "Асакабанк" ДАТБнинг режалари юзасидан ўзингизни қизиқтирган саволлар билан қуйидаги телефон рақамларига мурожаат қилишингиз мумкин: 8 (371) 255-53-53, 255-62-11.**

*O`zLiDeP Матбуот хизмати*

## Бугунги сонда:

### ҚАРС ИККИ ҚЎЛДАН

**ЮРТБОШИМИЗ ВА ҲУКУМАТИМИЗ ТОМОНИДАН АМАЛГА ОШИРИЛЁТГАН ИСЛОҲОТЛАР, ЙИРИК ДАСТУРЛАР ТУФАЙЛИ ҲАМ 2010 ЙИЛДА ПИСКЕНТ ТУМАНИДА САНОАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҲАЖМИ 27,5 МЛРД. СЎМНИ, ИСТЕЪМОЛ МОЛЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЭСА 9,7 МЛРД. СЎМНИ ТАШКИЛ ЭТДИ. ТУМАН ИҚТИСОДИЁТИГА 13,1 МЛРД. СЎМ МИКДОРИДА ИНВЕСТИЦИЯ КИРИТИЛДИ. 563 ТА КИЧИК ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ТУЗИЛМАЛАРИ ФАОЛИЯТ КЎРСАТМОКДА. АММО БУ ЖАРАЁНДА СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРНИНГ ЎРНИ, ТАШАББУСКОРЛИГИ АЙТАРЛИ ДАРАЖАДА СЕЗИЛМАЯПТИ.**

05 »

# *Парламент фаолияти Концепция талабларига мослаштирилмоқда*

**ЮРТБОШИМИЗНИНГ ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ВА СЕНАТИНИНГ ҚЎШМА МАЖЛИСИДАГИ «МАМЛАКАТИМИЗДА ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ КОНЦЕПЦИЯСИ» ОЛИЙ МАЖЛИСНИНГ ҚУЙИ ПАЛАТАСИ ЗИММАСИГА ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАРНИ ҚЎЙДИ**

Ана шу муҳим ҳужжатда белгилаб берилган устувор йўналишлардан келиб чиқиб, палатанинг 2011 ва кейинги йилларга мўлжалланган ҳаракат дастури қабул қилинди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Матбуот хизмати раҳбари Олим Ўсаровнинг таъкидлашича, дастурга 36 та қонун лойиҳасини қабул қилиш, 30 дан ортиқ назорат-таҳлил, конференция, семинар ва амалий тадбирлар ўтказиш режаси киритилган. Қонун лойиҳаларининг 23 таси мазмун-моҳият жиҳатидан мутлақо янги бўлиб, уларнинг қабул қилиниши ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-маънавий ҳаётимизда туб бурилишлар ясашга хизмат қилади. Аҳамиятли жиҳати шундаки, дастурни самарали татбиқ этишда илк маротаба илғор сиёсий технологиялардан фойдаланиш амалиётини қўллаш назарда тутилмоқда.

Хусусан, қабул қилиниши режалаштирилган ҳар қандай қонун лойиҳасини фуқаролик жамиятини ўрганиш институтлари ва илмий муассасаларнинг мутахассислари, турли вазирлик ҳамда идораларнинг вакиллари кўмагида тайёрлаш кўзда тутилаяпти. Мазкур жараёнда биринчи галда нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятидан самарали фойдаланишга эътибор қаратилади.

2 ►►

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ 2011 ЙИЛ 18 ЯНВАРДАН БОШЛАБ ВАЛЮТА ОПЕРАЦИЯЛАРИ БЎЙИЧА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ,** статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:

| | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | ↓ 1625,66 | 1 АҚШ доллари | ↑ 1647,41 | 1 Хитой юани | ↑ 249,90 | 1 Туркия лираси | ↑ 1062,85 | 1 Япония иенаси | ↑ 198,77 |
| 1 Англия фунт стерлинги | ↑ 2610,98 | 1 Миср фунти | ↑ 284,14 | 1 Малайзия ринггити | ↑ 539,16 | 1 Швейцария франки | ↑ 1708,58 | 1 Россия рубли | ↑ 55,00 |
| 1 Дания кронаси | ↑ 295,06 | 1 Исландия кронаси | ↑ 14,17 | 1 Польша злотийси | ↑ 567,94 | 1 ЕВРО | ↓ 2150,47 | 1 Украина гривнаси | ↑ 207,14 |
| 1 БАА дирҳами | ↑ 448,53 | 1 Канада доллари | ↑ 1666,91 | 1 СДР | ↑ 2548,61 | 1 Жанубий Корея вони | ↑ 14,78 | | |

@ ЯНГИЛИК ВА АХБОРОТЛАРНИНГ ТЎЛИҚ МАТНИ БИЛАН ГАЗЕТАМИЗ САЙТИДА ТАНИШИНГ: WWW.21ASR.UZ

# Парламент фаолияти Концепция талабларига мослаштирилмоқда

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада◄◄

Қаҳрамон САЙДАЛИЕВ, «XXI asr» мухбири



Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси аъзоларининг фикрича, Қонунчилик палатасининг ушбу дастури Концепцияда баён этилган вазифалар, белгилаб берилган йўналишлар асосида қабул қилингани учун ҳам либераллаштириш, эркинлаштириш, хусусий мулк дахлсизлигига асосланган O`zLiDeP мақсадларига тўлиқ ҳамоҳангдир.

— Айниқса, давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш йўналиши доирасида қонунчиликка давлат ҳокимиятининг уч субъекти: Президент, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият ўртасидаги ваколатларни тақсимлашга қаратилган бир қатор жиддий ўзгартиш ҳамда қўшимчалар киритилаётгани зиммамиздаги масъулиятни янада оширади, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси аъзоси Равшанжон Асқаров. — Конституциямизнинг 98-моддасига киритилиши белгиланган ўзгартиш, яъни Бош вазир номзодини сайловларда Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасида энг кўп депутатлик ўрнини эгаллаган сиёсий партия ёки тенг миқдордаги депутатлик ўрнини қўлга киритган партиялар томонидан таклиф этилиши сиёсий партияларга жуда катта имкониятлар беради.

Ҳақиқатан ҳам давлат бошқарувини демократик ислоҳ этишнинг бундай йўли, шубҳасиз, ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги ўзгаришларни янада ривожлантиришга хизмат қилади. Хусусан, 2008 йилдан кучга кирган Конституциявий қонун сиёсий партияларнинг парламентдаги ўрнини кескин оширган ва уларга ўз фракциялари орқали ҳукумат фаолияти юзасидан парламент назоратини ўрнатиш ваколатини берган эди. Қонунчиликка киритилаётган навбатдаги ўзгартишлар эса энди сиёсий партияларга нафақат ҳукумат, балки ижро ҳокимияти сиёсатини шакллантириш ва уни амалга ошириш жараёнига ҳам таъсир этиш имконини яратади. Ана шу жиҳатдан олиб қаралса, Бош қомусимизга киритилаётган янги меъёрлар катализатор вазифасини ўтаб, партия қурилиши соҳасида ҳам, парламентаризм соҳасида ҳам ижобий ўзгаришларга сабаб бўлиши аниқ.

Маълумки, кейинги йилларда мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш, жиноий жазоларни либераллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу боис дастурда инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини суд орқали ҳимоя қилишга қаратилган чора-тадбирларни янада мустаҳкамлаш назарда тутилмоқда. Хусусан, жиноят-процессуал қонун ҳужжатларига киритиш таклиф этилаётган ўзгартиш ва қўшимчаларга мувофиқ жиноий ишларни судга қадар юритув босқичида дастлабки терговорганларининг фаолияти устидан суд назорати кучайтирилиши белгиланмоқда. Қуйи палатанинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Тўлқин Турсуновнинг таъкидлашича, дастурда мазкур йўналиш бўйича 6 та қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш назарда тутилиб, уларнинг барчаси инсон ҳуқуқлари ҳимоясини кучайтиришга, жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

— Бундай ўзгаришлар, энг аввало, инсон ва унинг манфаатларига қаратилган бўлиб, бунда фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилаяпти, — деди Т.Турсунов. — Шу боисдан ҳам дастурда «Жамиятнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш миллий дастури»ни ишлаб чиқиш кўзда тутилмоқда. Унинг асосий мақсади ҳуқуқий таълим ва маорифни тубдан яхшилаш, фуқароларнинг сиёсий-ҳуқуқий маданияти ва онгини оширишга йўналтирилган амалий ишларни янада кучайтиришга қаратилган.

Концепцияда ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлашга ҳам энг муҳим масала сифатида эътибор қаратилди. Чунки бугунги глобаллашув жараёнида турли ахборот хуружларидан ҳимояланиш ва аҳолини ахборот билан таъминлашда соҳани тартибга солувчи ҳуқуқий ҳужжатларни янада такомиллаштириш талаб этилади. Палата дастурида оммавий ахборот воситаларини янада демократлаштиришга ва сўз эркинлигини таъминлашга йўналтирилган 4 та янги қонун лойиҳасини тайёрлаш, шунингдек, бир қатор қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш назарда тутилмоқда.

— Амалиётга татбиқ этилиши режалаштирилаётган янги қонун лойиҳалари асосида ОАВ фаолиятини бугунги кун талабларига мослаштириш ғояси мужассам, — дейди палатанинг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси раиси Абдурашид Жўрабоев. — «Оммавий ахборот воситаларининг иқтисодий асоси тўғрисида»ги, «Оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кафолатлари тўғрисида»ги янги қонун лойиҳаларини қабул қилиш, биринчи галда, соҳа вакилларининг ҳуқуқларини янада мустаҳкамласа, иккинчидан, бозор муносабатлари шароитида ОАВларнинг иқтисодий ва моддий-техник базасини яхшилаш имконини кенгайтиради.

Ҳаракат дастурида, шунингдек, Концепцияда илгари сурилган Ўзбекистоннинг сайлов қонунчилигини янада ривожлантириш йўналишидан келиб чиқиб, бир қатор қонун лойиҳаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳам белгиланмоқда. O`zLiDeP фракцияси аъзолари таъкидлашларича, қонунчиликка киритилаётган янги меъёрларда партиялараро рақобат кундан-кунга кучайиб бораётган бугунги шароитда ташвиқот олиб бориш шартлари, турлари, шакллари ва усулларини аниқ мустаҳкамлаб қўйиш назарда тутилмоқда.

Жаҳонда тараққиётнинг ўзбек модели, дея эътироф этилаётган беш тамойил замирида, шубҳасиз, мамлакатимизда демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ғояси мужассам бўлиб, бугунги ислоҳотларни амалга оширишда фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади. Қуйи палатанинг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси ўринбосари Адҳам Шодмоновнинг таъкидлашича, ҳаракат дастурида мазкур йўналиш бўйича 6 та қонун лойиҳаси ва битта миллий дастур тайёрлаш кўзда тутилган.

— «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги янги қонун лойиҳаси ана шулардан бири, — дейди А.Шодмонов. — Ушбу муҳим ҳужжатнинг асосий мақсади фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини янада ривожлантириш, фуқароларнинг давлат ва жамият қурилиши жараёнларида фаол иштирок этишини таъминлашдан иборат. Шунингдек, лойиҳада аҳолининг турли ижтимоий қатламлари манфаатларини ҳимоялашда давлат ҳокимияти органлари ва бошқарувининг нодавлат нотижорат ташкилотлар билан ўзаро муносабатлари механизмини такомиллаштириш масалалари ҳам қамраб олинмоқда.

Концепциядан ўрин олган иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасидаги таклифлар эса яна бир бор кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилаётганини кўрсатади. Негаки, истиқлолнинг илк даврлариданоқ мулкдорлар қатламини шакллантиришга бежиз эътибор қаратилмаганини бугунги кунда эришилган натижалар ҳам кўрсатиб турибди. Шу боис дастурда ўрта синф — мулкдорлар қатламини ривожлантиришга қаратилган қонунчиликни янада такомиллаштиришга алоҳида ўрин берилган. Жумладан, унда соҳа фаолияти билан боғлиқ 14 та қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш назарда тутилаяпти. Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси аъзоси Қобилжон Тошматовнинг фикрича, ушбу қонунларнинг қабул қилиниши кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг кескин яхшиланишига сабаб бўлади. Бунда тадбиркорлар энг аввало ортиқча қоғозбозлик ва оворагарчиликлардан халос бўладилар. Шунингдек, кичик бизнеснинг фаолият турлари кенгайиб, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш имконияти кенгаяди.

— «Тадбиркорлик фаолияти соҳасида рухсат бериш тартиб қоидалари тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш — биринчи галдаги вазифаларимиздан, — дейди Қ.Тошматов. — Негаки, ушбу қонун хўжалик фаолияти амалга ошириш учун рухсат бериш тартиб-қоидаларини рўйхати ва шаклларини қатъий белгилаб қўйишга қаратилган. Давлат бошқаруви органларининг қонунда назарда тутилмаган рухсат бериш тартиб-қоидаларини янги турларини жорий этишни тақиқлаш, рухсатнома бериш механизмини соддалаштириш каби нормалар, шубҳасиз, тадбиркорликнинг янада ривожланишига кенг йўл очади.

Ҳаракат дастурида, шунингдек, жорий йилнинг иккинчи чорагида «Оилавий корхоналар тўғрисида»ги қонун лойиҳасини тайёрлаш режалаштирилмоқда. Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси аъзоси Клара Жумамуротованинг таъкидлашича, ушбу қонун лойиҳасининг ишлаб чиқилиши оилавий корхона тарзида хўжалик фаолиятининг янги ташкилий-ҳуқуқий шаклини жорий этиш ва уларнинг фаолият кўрсатиш соҳаларини белгилаш имконини беради.

— Мазкур ҳужжатда оилавий корхоналарни рўйхатдан ўтқазиш ва уларни тугатиш механизмларини белгилаш, оилавий корхоналарнинг бухгалтерлик ҳисоби ҳамда уларга солиқ солишнинг соддалаштирилган тартибини жорий этиш меъёрлари асос қилиб олинмоқда, — дейди К.Жумамуротова. — Агар ушбу қонун амалиётга татбиқ этилса, хусусий тадбиркорликнинг яна бир янги фаолият тури шаклланади ва аҳолини иш билан банд этиш имкониятлари кенгаяди.

Бир сўз билан айтганда, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг 2011 ва кейинги йилларга мўлжалланган ҳаракат дастури Президентимиз томонидан яратилган Концепцияда белгилаб берилган устувор йўналишларни амалиётга кенг жорий этишга қаратилгани билан муҳим аҳамият касб этади. Ундан кўзланган мақсад эса Ўзбекистонни яқин келажакда дунёнинг энг ривожланган давлатлари қаторидан жой олишида кучларни бирлаштириш ва бу борада парламентни либерал ислоҳотлар йўлбошчисига айлантиришдан иборатдир.

## ИШЛАБ ЧИҚАРИШ

### 365 кунда 632 миллиард сўмлик маҳсулот

**«Ўзметкомбинат» ОАЖ матбуот хизмати хабарига кўра, 2010 йилда корхона томонидан 717,7 минг тонна пўлат, 691,6 минг тонна қора металл прокати, 167,7 минг тонна турли маҳсулотларни майдалашда ишлатиладиган металл шарлар, шунингдек, 19,1 млрд. сўмлик халқ истеъмоли товарлари, жами 632,5 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган.**

**Комбинат ўз маҳсулотларини харидорларга етказиб бериш ҳажми ва географиясини кенгайтириш мақсадида бир қатор хорижий компаниялар билан экспорт шартномалари ҳам имзолади. Жумладан, Эрон, Туркманистон ва Қозоғистондаги харидорларга металл прокати ҳамда радиатор тасмалари етказиб берилди.**

**Ўз навбатида, маҳаллийлаштириш дастурига мувофиқ, 27 та лойиҳа бўйича 133,4 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, модернизациялаш дастури бўйича жами 26,45 млрд. сўм ўзлаштирилди.**

**Бундан ташқари, янги иш ўринларини яратиш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида эса 167 нафар ёш кадр ўз соҳалари бўйича ишга қабул қилинди.**





# Қишлоқ мулкдорлари фаолиятига бирламчи эътибор

**ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНИНГ АГРАР ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ МАСАЛАЛАРИ ҚЎМИТАСИ ТОМОНИДАН ЎТКАЗИЛГАН «ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИНИНГ МОЛИЯВИЙ-ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАРИГА ОИД ҚОНУНЧИЛИКНИ БУГУНГИ КУН ТАЛАБЛАРИ ДАРАЖАСИДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ» МАВЗУИДАГИ ДАВРА СУҲБАТИДА 84 МИНГТА ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ ҚАРИЙБ 90 ФОИЗИНИ ЕТИШТИРАЁТГАНИ, ҚИШЛОҚҚА САНОАТНИ ОЛИБ КИРИБ, ТУРМУШ СИФАТИНИ КЎТАРИШ САЛОҲИЯТИГА ЭГА БЎЛГАН ИЖТИМОИЙ ҚАТЛАМГА АЙЛАНГАНИ АЛОҲИДА ТАЪКИДЛАНДИ**

— Иқтисодиётимизнинг бозор муносабатлари асосида ривожланиб бориши фермер хўжаликларининг ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялашга қаратилган қонунчиликни янада такомиллаштиришни талаб этмоқда, — деди қўмита раиси Муҳаммадюсуф Тешабоев. — Шу маънода аграр соҳага оид қонунчиликни тартибга солиш биринчи галдаги вазифаларимиздандир.

Анжуманда таъкидланганидек, қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш орқали ишлаб чиқариш ҳамда ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, қишлоқ аҳолиси манфаатларини янада тўлиқроқ таъминлаш ва турмуш сифатини ошириш бугунги куннинг долзарб вазифалари сирасига киради. Бинобарин, аграр соҳадаги ислоҳотларни, янги мулкий муносабатларни шакллантириш ва мустаҳкамлашда эса ўрта синфнинг ўрни алоҳида аҳамият касб этади. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O`zLiDeP фракцияси аъзоси Ориф Шариповнинг таъкидлашича, бугун қўмита томонидан деҳқончилик, чорвачилик, балиқчилик, паррандачилик ва асаларичилик билан шуғулланувчи фермер хўжаликлари фаолиятини янада ривожлантириш мақсадида бир қатор қонунларга ҳозирги кун талабидан келиб чиққан ҳолда ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш борасида изланишлар олиб борилмоқда. "Фермер хўжалиги тўғрисида», «Деҳқон хўжалиги тўғрисида», «Давлат ер кадастри тўғрисида»ги қонунларга ҳамда Ер кодексининг фермер хўжаликларига тегишли бандларини янада такомиллаштиришга оид амалий таклифлар тайёрланмоқда. Қўмита томонидан амалдаги қонунларда белгиланган нормаларнинг вазирлик ва мутасадди ташкилотлар томонидан ижро этилишини ўрганиш юзасидан ўтказилаётган назорат-таҳлил ишлари ҳам қонунчиликни такомиллаштиришга ёрдам бермоқда.

Маълумки, аграр соҳадаги ислоҳотларнинг асосини ерга бўлган муносабатни тубдан ўзгартириш ва суғориладиган ер майдонлари тупроқ унумдорлигини доимий ошириб бориш ташкил этади. Давра суҳбатида Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири ўринбосари Яшин Ҳидиров мустақиллик йилларида сув хўжалиги объектларидан фойдаланиш харажатларига республика бюджетидан маблағ ажратиш тизими тубдан ўзгарганини таъкидлади. Натижада уларни молиялаш ҳажми йилдан-йилга ортиб бормоқда. Жумладан, 1994 йили сув хўжалиги ташкилотлари томонидан эксплуатация харажатларига 826,3 млн. сўм миқдорда маблағ ажратилган бўлса, 2010 йилга келиб бу кўрсаткич минг маротаба кўпни, яъни 826,2 млрд. сўмни ташкил қилди.

Давлат томонидан фақат 2004-2010 йилларнинг ўзидагина сув хўжалиги тизимларидан фойдаланиш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, сув хўжалиги иншоотларини қуриш ва реконструкция қилиш ҳамда фермер хўжаликларини сув билан кафолатли таъминлаш учун қарийб 5 трлн. сўм маблағ йўналтирилди. Бу эса фермерлар ихтиёридаги ерларнинг деградацияси олдини олиб, пахта ҳосилдорлигини 2003 йилдагига нисбатан гектар ҳисобига 4,9 центнер, ғалла ҳосилдорлигини эса 9,5 центнер кўпайтириш имконини берди.

Тадбирда ана шундай ютуқларга қарамай соҳада ўз ечимини кутаётган айрим муаммолар мавжудлигига ҳам эътибор қаратилди. Жумладан, баъзи фермер хўжаликлари техника билан етарли даражада таъминланмаётгани, хўжаликлар аъзоларининг касбий маҳоратини ошириш масалаларида муаммолар мавжудлиги, қонунчиликда фермер хўжаликларининг ерга мустақил эгалик қилишига оид ҳуқуқий нормаларни такомиллаштириш зарурлиги таъкидланди.

Соҳага алоқадор вазирлик, идора ва ташкилотлар мутасаддилари, олий ўқув юртларининг етакчи мутахассислари ва экспертлари иштирок этган давра суҳбати сўнгида қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

# Инновация

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада◄◄

**Илҳом НАСРИЕВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси раиси, O`zLiDeP фракцияси аъзоси**

Чунки айнан инновациялargина маҳсулотлар рақобатбардошлигини таъминлаш, таннархни, энергия истеъмолини камайтириш, инвестициялар оқимини кўпайтириш ва янги-янги имкониятларни вужудга келтиришга шароит яратади.

Шунинг учун ҳам бугун иқтисодиётнинг барча тармоқларини техник ва технологик жиҳатдан янгилаш юзасидан кенг кўламли фундаментал тадқиқотлар ва инновацион лойиҳалар устида изланишлар олиб борилмоқда. Бу эса мамлакатни янгилаш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш жараёнида интеллектуал мулкнинг ўрни ва ролини, қолаверса, илмий тадқиқот фаолияти самарадорлигини оширишга тааллуқли дастурлар билан боғлиқ чора-тадбирлар тизимини янада мустаҳкамлаяпти. Бироқ ана шундай натижаларга қарамай, фундаментал тадқиқотлар, инновацион лойиҳалар, умуман олганда, интеллектуал мулкнинг айрим объектларини бозорга ёки бошқача айтганда, фуқаролик муомаласи (хўжалик обороти)га жалб этишда айрим муаммолар сақланиб қолмоқдаки, уларга ечим топиш учун биринчи навбатда, ташкилий, иқтисодий ва ҳуқуқий жиҳатдан ўзига хос ёндашув талаб этиляпти.

Бу эса энг аввало, Президентимиз таъкидлаганларидек, «Инновациялар ва иқтисодиётни модернизация қилиш тўғрисида»ги қонунни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш лозимлигини талаб этади. Айнан ана шу қонун интеллектуал мулкни фуқаролик муомаласига киритиш ва унинг қўлланилишини кенгайтиришга, яъни мамлакат рақобатбардошлигини ошириш мақсадида давлат бюджети ва маблағлари ёки жалб этилган манбалар ҳисобига яратилаётган интеллектуал фаолият натижалари ва уларга тенглаштирилган объектларни барпо этиш, улардан фойдаланиш, муҳофаза қилиш ҳамда тижоратлаштириш билан боғлиқ муносабатлар мажмуини ўзида мужассамлаштириши мумкин. Бу эса 2003 йилдан буён мамлакат сиёсий майдонида ўрта қатлам манфаатини ҳимоя қилиб келаётган партиямиз фракцияси зиммасига жуда катта вазифа юклайди. Мазкур қонунда бундай ноёб товар туридан самарали фойдаланишни таъминлашга қаратилган инновацион тизим субъектлари — илмий-текшириш институтлари, олий ўқув юртлари, инновацион марказлар, ваколатли давлат ва нодавлат ташкилотлар ўртасидаги заиф боғлиқликни мустаҳкамлашга хизмат қилувчи ҳуқуқий механизм ўз ифодасини топиши назарда тутилган.

Албатта, мамлакатимизда истиқлол йилларида илмий тадқиқотлар натижаларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, интеллектуал мулк, жумладан, саноат мулки объектлари бозорини яратиш ва ривожлантириш бўйича тизимли ишлар олиб борилганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Хусусан, Президентимизнинг 2006 йил 7 августдаги «Фан ва технологиялар ривожланишини мувофиқлаштириш ва бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2008 йил 15 июлдаги «Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари бу жараёнда дастуриламал вазифасини ўтади.

Ана шундай муҳим ҳужжатлар туфайли ҳам 2008 йилдан эътиборан Ўзбекистонда инновацион ғоялар ва лойиҳалар ярмаркалари ўтказилиб, уларда иқтисодиётнинг реал секторига амалий илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ва технологик ишланмаларни жорий этиш бўйича талай шартнома ва аҳдлашув протоколлари имзоланаяпти. Юртбошимиз томонидан илгари сурилган Концепцияда ана шу фаолиятни бугунги кун талаблари даражасида ривожлантириш ғояси илгари сурилмоқдаки, бу нафақат соҳа мутасаддилари, балки жамиятни янгилаш ва модернизация қилишдан манфаатдор бўлган барча юртдошларимиз, сиёсий партиялар вакиллари зиммасига алоҳида масъулият юклайди. Чунки ўзига хос хусусиятларга эга бундай бозорни ташкил қилиш бирмунча мураккаб жараён бўлиб, илмий тадқиқот ёки ихтирочилик фаолияти натижаларининг интеллектуал мулк объектларига айланиши учун маълум бир вақт ва харажатлар талаб қилади. Шунинг учун ҳам янги қонун соҳа субъектлари — илмий тадқиқот ёки ихтиро муаллифи ҳамда махсус ихтисослашган ташкилотларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, уларни молиялаш манбалари, фаолият усули ва воситалари аниқ белгилайди. Бир сўз билан айтганда, янги қонун интеллектуал мулк билан боғлиқ барча муносабатларни тартибга солишга йўналтирилади.

Маълумки, ихтиролар, фойдали моделлар, саноат намуналари, товар белгилари, селекция ютуқлари ва, албатта, ахборот технологиялари объектлари интеллектуал мулкнинг таркибий қисми саналади. Уларнинг ҳуқуқий муҳофазаси ва улардан фойдаланиш соҳасидаги муносабатлар айни пайтда бир қатор халқаро шартнома ва битимлар, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг «Интеллектуал мулк» деб номланган бўлими, 5 та қонун ва 140 дан зиёд меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида тартибга солинмоқда.

Шу ўринда илмий-тадқиқот муассасалари ва лойиҳа-конструкторлик идораларига 2013 йилнинг 1 январига қадар алоҳида солиқ имтиёзлари берилганини таъкидлаш жоиз.

Шубҳасиз, инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга жалб этиш вазифасини бажариш фуқаролик муомаласида ҳаракат қилувчи мол-мулк объектлари сафидан ўрин олган интеллектуал мулк объектлари муомаласи билан чамбарчас боғлиқдир. Лекин интеллектуал мулкни тижоратлаштириш бундай объектларни яратиш, улардан фойдаланиш, уларни фуқаролик муомаласига киритиш ва бошқача йўсинда тасарруф этишга доир назарий ва амалий муаммоларга босқичма-босқич барҳам беришни ҳам тақозо қилади.

Амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ муҳофазага олинган интеллектуал мулк объектларини шартли равишда икки гуруҳга бўлиш мумкин. Биринчи гуруҳни фан, адабиёт ва санъат асарларига бўлган ҳуқуқлар билан боғлиқ муаллифлик ҳуқуқи объектлари ташкил қилса, иккинчи гуруҳга саноат мулки объектлари киради. Улар ихтиролар, саноат намуналари, фойдали моделлар, товар ва хизмат кўрсатиш белгилари ҳамда фирма номларини ҳам қамраб олади.

Интеллектуал мулк объектлари фуқаролик муомаласида турлича, чунончи, мол-мулк ёки товар кўринишида ҳам намоён бўлади. Гап уларни тижоратлаштириш хусусида кетганида, интеллектуал мулк эгалари мазкур объектларни турли хўжалик жамиятлари, ширкатлари ёки бошқа тадбиркорлик тузилмаларининг низом жамғармасига улуш сифатида киритиш ҳуқуқига ҳам эга эканини таъкидлаш керак. Бу тегишли қонун ҳужжатларида ҳам назарда тутилган. Масалан, интеллектуал мулклар мураккаб объектлар ҳисобланганı боис уларни баҳолаш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи алоҳида меъёрлар «Баҳолаш фаолияти тўғрисида»ги қонунда ўз аксини топган. Унда интеллектуал мулк объектларининг пулдаги қийматини баҳолаш шарт бўлган ҳолатлар қайд этилган. Шунингдек, баҳолашнинг айрим мезонлари ҳукуматнинг тегишли қарорлари билан ҳам белгиланган. Хусусан, Молия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган «Номоддий активлар ҳисоби» номли 7-сонли Бухгалтерия ҳужжатининг миллий стандартида ташкилот ихтиёридаги интеллектуал мулк объектлари мол-мулк балансининг номоддий активлар қисмида кўрсатилиши белгилаб қўйилган. Аммо, афсуски, амалиётда бу имкониятлардан ҳам етарлича фойдаланмаяпмиз. Чунки баҳоловчи экспертлар, уларнинг тузилмалари бундай мулк бозори инфратузилмасининг таркибий қисмида бугунга қадар ўз ўрнини тўлиқ топиб улгурмаган бўлса, иккинчидан, интеллектуал мулк эгалари ўз ижод маҳсулларини ҳамон товар сифатида аниқ тасаввур этолмаяптилар.

Албатта, интеллектуал мулк объектлари баҳосини бозор стихиясига ташлаб қўйиб бўлмайди. Масалан, фундаментал илмий тадқиқотларсиз тараққиёт бўлишини тасаввур қилиш қийин. Аммо, иккинчи томондан, бундай тадқиқотлар самараси билвосита бўлиб, бозорда унга талаб кутилган даражада бўлмаслиги ҳам мумкин. Шунинг учун фундаментал тадқиқотлар айни пайтда давлат маблағлари ҳисобидан қопланмоқда ва қўллаб-қувватланмоқда. Ажратилаётган маблағлар миқдори йил сайин ошиб бораётгани эса бу борадаги фаолият ижобий эканидан далолат беради, албатта.

Таъкидлаш жоиз: амалдаги қонунларда фундаментал тадқиқотларни молиялаш O`zLiDePнинг асосий электорати бўлмиш тадбиркорлик тузилмалари томонидан ҳам амалга оширилиши мумкинлиги белгилаб қўйилган. Шунга қарамай, амалиётда бу имкониятдан деярли фойдаланилмаётгани партиянинг, айниқса, вилоят, шаҳар ва туман кенгашларининг бу борадаги фаолияти талаб даражасида эмаслигини кўрсатади. Яъни O`zLiDeP ҳозирча тадбиркорлар билан фундаментал тадқиқотлар олиб бораётган яратувчилар ўртасида мустаҳкам кўприкка айлана олмаяпти. Ваҳоланки, интеллектуал мулк объектларини ҳеч иккиланмай бозорга киритиш орқали уларнинг яратувчилари билан бирга мамлакат иқтисодиётига ҳам фойда келтириши мумкин.

Шу ўринда интеллектуал мулкнинг гаров предмети бўлиши мумкинлигини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз. Зеро, амалдаги қонунчиликда интеллектуал мулк объектлари бўйича ҳар қандай мутлақ ва ашёвий ҳуқуқлар гаровга қўйилишига рухсат берилади. Демак, кредит ёки қарз олиш, қолаверса, пул жалб қилишнинг исталган шаклидан фойдаланишда ҳам бундай объектлар гаров вазифасини ўташи мумкин.

Гарчи тижорат қийматига эга интеллектуал мулк объектларини гаровга қўйишга ҳеч қандай қаршилик бўлмаса-да, ҳозирча бу борадаги натижаларни ҳам ижобий баҳолаб бўлмайди. Бунга айни тоифадаги мулкларга «мулк» сифатида қаралмаётгани асосий сабабдир.

Шу ўринда адабиёт, санъат ва мусиқа асарларининг фуқаролик муомаласидаги аҳволи, яъни тижоратлашуви даражасини янада кўтариш зарур. Масалан, кафе ва ресторанларда қўшиқ, рақс, мусиқа эгалари — мутлақ ҳуқуқ соҳиблари асарларидан уларнинг розилигисиз фойдаланиши одат тусига кириб қолди. Ҳолбуки, «Муаллифлик ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги қонунда бу муассасалар давлатнинг ваколатли органи ёки жамоат бошқаруви ташкилотлари орқали муаллифларга ҳақ тўлашлари белгилаб қўйилган.

Маълумки, Юртбошимизнинг 1999 йили Олий Мажлиснинг XIV сессиясидаги маърузаларида Ўзбекистоннинг Бутунжаҳон Савдо Ташкилоти (БСТ)га аъзо бўлиб кириши мамлакатимизнинг иқтисодий ривожланиши учун муҳим истиқболлар очиши алоҳида таъкидланган эди. Ҳозир ушбу ташкилотга аъзо бўлишга қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Бу эзгу ният амалга ошса, интеллектуал мулк объектларининг тижоратлашувига ҳам кенг йўл очилади. Чунки БСТ таъсис ҳужжатларининг ажралмас қисми бўлган интеллектуал мулк ҳуқуқининг савдо соҳалари бўйича Битими (ТРИПС) интеллектуал мулкни фуқаролик муомаласига киритиш билан боғлиқ бўлган бир қатор масалаларни ҳал этишни, хусусан, интеллектуал мулкдан фойдаланишга доир стандартларни яратиш ва маданий қароқчиликка қарши курашишни ўзининг муҳим шарти деб ҳисоблайди. Демакки, фуқаролик қонунларини ТРИПС билан уйғунлаштириш интеллектуал мулкдан ғайриқонуний фойдаланганлик учун фуқаролик ва бошқа ҳуқуқий жавобгарликларни кучайтириш имконини ҳам беради. Агар ана шу битим талабларига риоя қилинса, келажакда жиноят қонунчилиги такомиллашиб, ўз навбатида тижорат соҳасида муаллифлик ҳуқуқларига тажовуз ёки товар белгиларидан ноқонуний фойдаланганлик учун ҳам жиноий жазоларнинг белгиланишига олиб келади.

Кейинги йилларда аксарият мутахассислар рационализаторлик ишланмалари интеллектуал мулк объектлари таркибига киритилмагани боис улар ҳуқуқий муҳофазадан четда қолаётганига эътибор қарата бошладилар. Бу эса ана шу масалага ҳам қонуний ечим топилишини тақозо этади. Қолаверса, фойдали ечимлар қўшимча даромад манбаи эканини инобатга олсак, улар инновациянинг қандай элементи, деган ҳақли савол туғилади. Зеро, рационализаторлик таклифлари ҳам инновацион ишланмалар сирасига киришини унутмаслик лозим. Бас, шундай экан, унинг тушунчаси ва фуқаролик ҳуқуқи объекти сифатидаги мавқеини, фуқаролик муомаласига киритиш масалалари ва унинг интеллектуал мулк объектларидан фарқли томонларини ўзида мужассам этган алоҳида ҳуқуқий ҳужжатга эҳтиёж борлигини ва бу масалада, айниқса, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O`zLiDeP фракцияси аъзолари ташаббускор бўлишларини талаб этади.

Маълумки, интеллектуал мулкни фуқаролик муомаласига киритишдан асосий мақсад илмий ишланмалар, тажриба-конструкторлик ишлари ва бошқа объектлардан мамлакат иқтисодиётини юксалтиришда фойдаланиш ва манфаатдорликни таъминлаш, шу асосда юқори технологик, рақобатбардош маҳсулотлар тайёрлашга эришишдир.

Бу эса интеллектуал мулкни бошқариш инфратузилмасини ривожлантириш учун илмий-техникавий дастур ва унинг муҳим таркибий қисми сифатида патент-ахборот таъминотининг ягона автоматлаштирилган тизими яратилиши такомиллаштирилиши ва у «Ахборотлаштириш ҳақида»ги қонун асосида тартибга солиниши мақсадга мувофиқдир. Инновацион ахборотларни жамлаш, тарқатиш, соҳага оид назарий ва амалий маълумотларни кенг оммага етказиш хусусида сўз кетганида ихтиролар, янгиликларни тарғиб этувчи, унинг оммалашувига хизмат қилувчи даврий нашрни таъсис этиш фурсати етгандек туюлади. Айнан ана шу нашр янгиликлар яратаётган юртдошларимиз, айниқса, ёшларни рағбатлантирувчи, турли фикр ва қарашлар майдони вазифасини ўташи ҳам мумкин.

Бир сўз билан айтганда, бугунга келиб, мамлакатнинг илмий-техникавий ривожланиши миллий иқтисодиётнинг тараққиёт ва рақобатбардошлик даражасини белгиловчи муҳим омилга айланди. Бу эса соҳани модернизациялаш, маҳсулотлар рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилувчи қонуний ҳужжатлар мазмун-моҳиятини янада бойитиш, айниқса, фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш учун барча соҳа вакиллари, айтайлик, ҳуқуқшунослар, иқтисодчи олимлар зиммасига Юртбошимиз томонидан яратилган Концепция талабларини қатъий амалга ошириш жараёнида улкан масъулият юкланмоқда, деганидир.

# Ўрта синф —
## *барқарор тараққиёт кафолати*

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада◄◄

**Қиёмиддин НАЗАРОВ**

Маълумки, ҳозирги даврда иқтисодий муносабатларни ислоҳ қилиш мулкнинг хилма-хил шакллари тенглигини таъминлаш ва уларни ривожлантириш учун кенг имкониятлар яратиш билан чамбарчас боғлиқ жараёндир. Шу маънода мулкка эгалик қилиш ва бу борадаги муносабатлар ривожи жамият тузилишининг муайян ҳолати ва ундаги барқарор ўзгаришлар жараёнини ифодалайди. Мулкчилик муносабатларининг қандай экани эса жамиятнинг ижтимоий қиёфасини, унинг тараққиёт тамойиллари ва ўзига хос хусусиятларини белгилаб беради. Шунинг учун ҳам Президентимиз бу масалага алоҳида эътибор қаратиб, “Дунёдаги ҳар қайси давлат ва халқнинг сиёсий-ижтимоий тузум ва ҳаётни қуриш, ўз мақсад-муддаолари ва манфаатларини рўёбга чиқаришга қаратилган барча саъй-ҳаракатлари охир-оқибатда бевосита ана шу масалага бориб тақалиши муқаррар. Бошқача қилиб айтганда, ҳар бир давлат ва жамиятнинг тақдири ва келажаги шу мамлакатда мулк масаласи қандай ҳал қилинишига боғлиқ”, деган фикрни билдирдилар.

Бугунги кунда тез-тез учраётган «мулкдорлар қатлами» ва «ўрта синф» тушунчалари маъно-мазмун жиҳатидан фарқли жиҳатларга эга бўлса-да, аммо улар бир-бирлари билан ўзаро алоқада ва узвий боғлиқликдагина намоён бўлади. «Мулкдорлар қатлами» асосан жамият аъзоларининг мулкдорлик даражаси, уларнинг мулкдорлик ҳуқуқи ва мулкка эга эканини ифодалайдиган тушунчадир. «Ўрта синф» тушунчаси эса ислоҳотлар жараёнида тадрижий тарзда шаклланаётган, жамият тузилишида муҳим ўрин эгаллайдиган, муайян фаолият тури билан шуғулланаётган, ўз мулкига эга бўлган ҳамда моддий ва маънавий бойликлар яратишда қатнашиб, юртимиз ривожига ўз ҳиссасини қўшаётган ижтимоий қатламни англатади. Ўрта синф бир жойда жам бўлиб, фақат бир соҳада фаолият кўрсатаётган кишилар ҳам эмас. Ушбу қатлам вакилларини жамиятнинг барча соҳаларида учратиш мумкин. Шу билан бирга уларнинг аксарияти хусусий бизнес, тадбиркорлик, фермерлик каби фаолият турлари билан шуғулланаётгани ҳам маълум. Юртбошимиз таъбири билан айтганда, айнан ана шу тоифа кишилари Ўзбекистонни ҳар томонлама тараққий топган жамиятга айлантириш, авваламбор, халқимизнинг ҳаётини муносиб даражага кўтариш ва халқаро обрўсини юксалтириш, шу мақсадларга эришиш учун юртимизда осудалик ва тинчлик-осойишталикни сақлашдан энг манфаатдор кишилардир.

**ЎРТА СИНФ МАМЛАКАТИМИЗДАГИ ЯНГИ ИЖТИМОИЙ ЎЗГАРИШЛАР НЕГИЗИДА ШАКЛЛАНАЁТГАН ТОИФА СИФАТИДА ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ МУҲИМ ИЖТИМОИЙ ТАЯНЧИ БЎЛИБ, ҲАЁТНИ ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ ВА ЭРКИНЛАШТИРИШ ВАЗИФАЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЖАРАЁНИНИНГ ҲАМ ҲОСИЛАСИДИР. АЙНАН ЎРТА СИНФНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ЖАРАЁНИ ТУРЛИ ХИЛ ҚАРАШЛАР, МАНФААТЛАР ВА МУДДАОЛАРГА ЭГА БЎЛГАН КИШИЛАРНИ МУШТАРАК МАҚСАДЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЙЎЛИДА БИРЛАШТИРАДИ ВА МАМЛАКАТИМИЗНИНГ СТРАТЕГИК ВАЗИФАЛАРИНИ БАЖАРИШГА ЙЎНАЛТИРАДИ.**

Маълумки, яқин ўтмишда жамиятни сунъий тарзда турли синфларга бўлиш, уларни бир-бирига қарама-қарши қўйиш, хусусий мулкни йўқотиш ғояси амалиётга татбиқ этилди. Мустабид жамиятнинг сиёсий ва мафкуравий мақсадларига хизмат қилган бу ғоя, биринчидан, кишиларнинг мулкка эгалик қилиш билан боғлиқ табиий ва ижтимоий эҳтиёжларига зид ҳолатни вужудга келтирган бўлса, иккинчидан, жамиятда мулкка, мулкдорларга нисбатан ижтимоий ёт, зарарли қатлам сифатида қарашни шакллантирди. Учинчидан эса кишиларда мулкдан бегоналашиш туйғусини кучайтириб, жамиятга “мулк — ҳамманики, айни пайтда ҳеч кимники” деган ақидани сингдирди. Бу, ўз навбатида, мулкнинг эгасизлигига, мулкдорларнинг йўқотилиши ва ўрта синфнинг шаклланмаслигига олиб келди.

Фақат истиқлол туфайлигина бу соҳада туб ўзгаришларни амалга ошириш имкони пайдо бўлди. Мустақиллик йилларида жамиятимизнинг янгиланиши, мамлакатимизнинг барқарор тараққиёт йўлидан изчил ривожланиши учун энг муҳим ва устувор вазифалардан бири сифатида мулк ва мулкий муносабатларни такомиллаштириш, мулкдорлар қатлами ва ўрта синфни шакллантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш учун етарли шароитлар яратилди. Бу борада давлатнинг бош ислоҳотчилиги ва ижтимоий ҳимояланган бозор муносабатлари тамойилларига амал қилиниши муҳим аҳамият касб этди, албатта. Мазкур тамойиллар ислоҳотлар жараёнида мулкнинг хилма-хил шакллари юзага келиши, мулкчилик муносабатларининг такомиллашуви, инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини инобатга олиш, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами эҳтиёжини қондириш, жамиятнинг ўта қутблашиб кетишига йўл қўймаслик имконини ҳам берди. Афсуски, бугунга келиб, тараққиёт йўлини тўғри танлаб ололмаган айрим мамлакатларда минглаб кишиларнинг мулксизлар, қашшоқлар ва оч-яланғочлар сафини тўлдираётгани мазкур тамойилларга риоя қилинмаётганининг оқибати сифатида баҳоланмоқда.

Ўзбекистонда эса истиқлолнинг дастлабки даврлариданоқ танлаб олинган тараққиёт модели ва ривожланиш тамойиллари мисолида бу масала ўзининг оқилона ечимини топди. Кўплаб чет эллик сиёсатчилар ва таниқли экспертлар томонидан мамлакатимизда босқичма-босқич ва тадрижий тарзда амалга оширилаётган янгиланиш ва бунёдкорлик йўлининг самарадорлигига алоҳида эътибор қаратилаётганининг асл сабаблари ҳам ана шунда.

Агар биз ўтган йилларга назар ташласак, демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятининг ижтимоий негизини ўрта синф ва мулкдорлар қатлами ташкил этганини кўрамиз. Бу эса замонавий иқтисодиёт ва бозор муносабатлари учун мулк эгалари бўлмиш ижтимоий қатлам шаклланишининг табиий зарурат эканини кўрсатади. Аслини олганда, бундай муносабатларга асосланган иқтисодий ислоҳотлар ўзига хос ўрта синфнинг пайдо бўлишини тақозо этади ва ана шу тоифа туфайли ҳам жамиятда барқарорлик мустаҳкамланади, тараққиёт тезлашади. Шу маънода истиқлол туфайли Ўзбекистонда бошланган туб бурилиш ва жамиятни янгилаш жараёнларида мулкдорлар қатламини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилгани бежиз эмас.

“Ўрта синф” айни пайтда кенг маъноли тушунча бўлиб, иқтисодий ислоҳотлар ва бозор муносабатлари ривожланиши жараёнида бу синфнинг имкониятлари ва шунга мос тарзда ушбу тушунчанинг мазмун-моҳияти ҳам кенгайиб бормоқда. Мазкур синф шаклланиши билан боғлиқ вазифаларни бажариш айни пайтда Ўзбекистонни ривожланган давлатлар қаторига олиб чиқишда ҳам ҳал қилувчи омиллардан бири бўлиб ҳисобланади. Бу масалада давлатнинг ислоҳотчилиги шундан иборатки, у мулкдорларга аниқ фаолият доирасини кўрсатиб бермоқда ва хусусий мулкчилик ҳамда тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга ҳаракат қилмоқда. Мазкур фаолиятнинг тадрижий тарзда, босқичма-босқич амалга оширилиши эса соҳа фаолиятига халал бераётган масалаларни ҳал этишда муҳим аҳамият касб этади.

Ўрта синф мамлакатимиздаги янги ижтимоий ўзгаришлар негизида шаклланаётган тоифа сифатида жамият тараққиётининг муҳим ижтимоий таянчи бўлиб, ҳаётни демократлаштириш ва эркинлаштириш вазифаларини амалга ошириш жараёнининг ҳам ҳосиласидир. Айнан ўрта синфни шакллантириш жараёни турли хил қарашлар, манфаатлар ва муддаоларга эга бўлган кишиларни муштарак мақсадларни амалга ошириш йўлида бирлаштиради ва мамлакатимизнинг стратегик вазифаларини бажаришга йўналтиради. Шу маънода тадбиркорлик фаолияти, кичик бизнес ҳамда мулкдорлар қатламини шакллантириш нафақат бугунги кун, балки истиқбол вазифаларини амалга ошириш нуқтаи назаридан ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Юртбошимиз томонидан мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясининг яратилиши эса бу йўналишдаги тадрижий тараққиётнинг янги босқичини бошлаб берди. Концепциянинг маъно-мазмунига асосланиб айтиш мумкинки, аввало мустақиллик туфайли Ўзбекистон жамиятининг ижтимоий-иқтисодий негизи тубдан ўзгариб бормоқда ва бу бозор иқтисодиётига асосланган муносабатларда, мулкнинг хилма-хиллигида, унга эгалик шаклларида, фаолият турларида ўз ифодасини топмоқда. Бу эса жамият ижтимоий-иқтисодий асосининг ўзгариши, иқтисодиётнинг эркинлаштирилиши, бошқарувнинг демократик тарзда ташкил этилишига имконият яратади, албатта. Шу аснода жамиятнинг бозор иқтисодиётига мос тузилмалари шаклланиб, ўрта синф ва мулкдорлар билан боғлиқ янги ижтимоий қатламнинг ўрни ва роли, хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши ошиб бормоқда. Мазкур жараёнда жамият инфратузилмасининг ўзгариши, иқтисодий ислоҳотларнинг босқичма-босқичлиги, хусусий сектор, кичик бизнес ва тадбиркорликнинг муттасил ривожланиши, мулкдорлар қатлами, ўрта синф сафларининг кенгайиб боришига эришиш мамлакатимизнинг тадрижий тараққиёти учун ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади.

*(Давоми келгусида сонда.)*

@ ЯНГИЛИК ВА АХБОРОТЛАРНИНГ ТЎЛИҚ МАТНИ БИЛАН ГАЗЕТАМИЗ САЙТИДА ТАНИШИНГ: WWW.21ASR.UZ

# Диққат: рулда нозиклар!

## 2010 ЙИЛДА ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ҲАЙДОВЧИЛИК ГУВОҲНОМАСИГА ЭГА БЎЛГАН АҲОЛИНИНГ 45 ФОИЗИНИ АЁЛЛАР ТАШКИЛ ЭТДИ



Наргиза ҚАҲҲОРОВА, «XXI asr» мухбири

Бутун дунёда кузатилаётганидек, Ўзбекистонда ҳам транспорт воситалари кўпайгани сайин автомобилларни бошқараётган аёллар сони ҳам ортиб бормоқда. Ўзбек хотин-қизларининг бундай интилувчанлигини ҳар ким ўзича талқин қилиши мумкин, албатта. Аммо йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимлари бу ҳолатни ижобий баҳоламоқдалар.

— Негаки, аёл кишидаги қунт, эҳтиёткорлик аксарият эркакларда учрамайди, — дейди Ўзбекистон Республикаси ИИВ Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси матбуот хизмати инспектори, милиция капитани Акмал Юсупов. — Аммо гап йўл ҳаракати қоидаларига амал қилиш ҳақида кетганида рулда аёлми-эркакми, ёшми-кексами, биз унга ҳаракат иштирокчиси сифатида қараймиз. Ҳайдовчи, йўловчи ва пиёдадан иборат учликнинг амалдаги тартиб-қоидаларга риоя этиши фаолиятимизда энг муҳим омил ҳисобланади. Лекин гуруч курмаксиз бўлмаганидек, йўл ҳаракати қоидаларини бузиш аёлларда ҳам, эркакларда ҳам учраб турибди. Агар рақамларга мурожаат қилсак, 2010 йилнинг тўққиз ойида аёл ҳайдовчилар томонидан 127 та (2009 йилнинг шу даврида бу кўрсаткич 110 та эди) йўл-транспорт ҳодисаси содир этилганини кўрамиз. Афсуски, ушбу ҳодисалар туфайли 18 нафар (2009 йилнинг шу даврида 9 та) аёл ҳайдовчи оламдан ўтди. 149 нафар опа-синглимиз эса турли даражадаги тан жароҳатини олди.

Бундан ташқари, аёл ҳайдовчилар орасида ҳам спиртли ичимлик истеъмол қилиб транспорт бошқараётганлари учраб турибди. Масалан, З.Фазилатхон "Матиз" русумли автомобилини, Ж.Наргиза "ВАЗ-2106", Ғ.Ноила ва М.Дилара "Матиз" русумли автомобилни маст ҳолда бошқарганлари учун 1 йил муддатга ҳайдовчилик ҳуқуқидан маҳрум этилдилар.

— Амалдаги «Йўл ҳаракати қоидалари»да ҳайдовчи эътибор қаратиши шарт бўлган ҳолатлар аниқ ва равшан белгилаб қўйилган. Қолаверса, транспорт воситаларини бошқараётган ҳайдовчиларга қулайлик яратиш, ҳаракат пайтида содир этилиши мумкин бўлган турли нохушликларнинг олдини олиш мақсадида қонунчилигимизга ҳам бир қатор ўзгартишлар киритилмоқда, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O`zLiDeP фракцияси аъзоси Собир Жабборов. — Соҳага оид қонунчилик такомиллаштирилаётгани, жумладан, транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш, ҳаракат вақтида хавфсизлик камаридан фойдаланиш шартлиги ҳамда қўл телефонидан фойдаланиш тақиқлангани йўлларда хавфсизликни таъминлашнинг муҳим омили бўлаётир. Барча ҳайдовчилар, жумладан, аёлларимиз ҳам мавжуд қоидаларга қатъий риоя этсалар, фойдадан холи бўлмасди...

**— 2001 йилдан бери автомобиль ҳайдайман, — дейди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Саида Мансурова. — Рости, илк маротаба машина рулига ўтирганимда деярли қўрқмаганман, аксинча, хурсанд бўлиб, бутун шаҳар кўчаларини айланиб чиққанман. Қўрққан одам машина бошқармагани маъқул. Акс ҳолда...**

— Талоним тоза, гувоҳномам ҳам жойида, — дейди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Раъно Ярашева. — Илк маротаба 9-синфдалигимда рулга ўтирганман. — Ўшанда акаларимга қўшилиб мопед, велосипедларни ҳам ҳайдардим. Кейин «Москвич»га ўтдим. Менимча, илк қўрқувни ўшандаёқ енгганман. Бугун автомашинамни барча йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилган ҳолда бошқараман.

— Мана, ўн йилдирки машина бошқаришда бирор жиддий хатога йўл қўйганим йўқ. Чунки ҳаракатланиш қоидаларига ҳамиша амал қиламан, — дейди «XUMOR GOLD AVTO» ўқув маркази раҳбари Хумора Умархўжаева. — Ўтган 2010 йилда марказимизда ўқиб, ҳайдовчилик гувоҳномасига эга бўлган 360 нафар ўқувчининг 80 фоизини хотин-қизлар ташкил этди. Шу боис машғулотларнинг амалиёт қисмига кўпроқ аҳамият бераяпмиз. Чунки шарқона тарбия кўрган аёлларимизда техника воситаларига қизиқиш нисбатан камроқ бўлади.

Соҳа мутахассисларининг фикрича, 2010 йилда пойтахтимизда ҳайдовчилик гувоҳномасига эга бўлганларнинг 45 фоизини хотин-қизлар ташкил этган. Бу — қувонарли ҳол, албатта. Бироқ автомобилни бошқариш ошхонада таом тайёрлашдан мураккаброқ бўлиб, ҳар қандай автоулов йўл ҳаракати қоидаларига амал қилиб бошқарилмаса, турли нохушликлар келиб чиқиши мумкин. Энг ёмони, аёлми, эркакми — ҳайдовчининг эътиборсизлиги ўзгалар учун ниҳоятда қимматга тушиши аниқ. Ана шундай эҳтиётсизлик натижасида 2010 йилда республикамиз ҳудудида 9657 та йўл-транспорт ҳодисаси содир этилган.

Бундай нохуш ҳолатлар «Йўл қоидаси — умр фойдаси» деган ажойиб ҳикматни яна бир карра эсга солади. Машинани ким бошқаргани маъқул, деган саволга эса жавобимиз битта: фақат намунали ҳайдовчи!


«ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК»
ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК-ТИЖОРАТ БАНКИ

**Принтерлар учун сарф этиладиган материаллар (картридж) сотиб олиш бўйича ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:**

Принтерлар учун сарф этиладиган материаллар (картридж) қуйидаги принтер моделларига тўғри келиши лозим:

| Картридж | Миқдори |
|---|---|
| Epson EPL 6200 | 7 та |
| HP LJ 5200 | 32 та |
| HP LJ 5000-5100 | 44 та |
| HP LJ 1010 | 70 та |
| HP LJ 1018 | 70 та |
| МФУ 4x1 | 7 та |
| HP LJ 1200 | 4 та |
| HP LJ 2055 | 12 та |
| DFX 8000-8500 | 30 та |

**Танлов ўтказиш тартиби ҳақидаги қўшимча маълумотларни қуйидаги манзилдан олиш мумкин: Тошкент шаҳри, «Шаҳрисабз» кўчаси, 3-уй. Тел: 120-45-56, 120-45-60. Факс: 120-45-60. Ички телефон: 32-24, 30-63.**

Тижорат таклифларингизда кўрсатилган нархлар алоҳида конвертга жойланиб, корхона муҳри билан муҳрланган бўлиши лозим.

Тижорат таклифларингиз 2011 йилнинг 21 январига қадар қабул қилинади.


# Даромаднинг 46 фоизи — тадбиркорликдан

## 2010 ЙИЛДА БУХОРО ВИЛОЯТИДА САЛКАМ 75 МИНГТА ЯНГИ ИШ ЎРНИ ЯРАТИЛГАНИ АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ДАСТУРИДА БЕЛГИЛАНГАН РЕЖАЛАР ОРТИҒИ БИЛАН УДДАЛАНГАНИНИ КЎРСАТАДИ

Асхор ИСТАМОВ, «XXI asr» мухбири

Вилоятдаги 32 мингта кичик бизнес субъекти ялпи ҳудудий маҳсулотнинг 61 фоизини ишлаб чиқараётгани эса ўрта қатлам иқтисодиётнинг таянч нуқтасига айланганидан далолатдир.

2010 йилда Бухоро вилоятида «Баркамол авлод йили» Давлат дастури ижроси бўйича жами 432 млрд. сўм ва 6 млн. АҚШ доллари миқдорида маблағ сарфланди.

Хусусан, 644 минг АҚШ доллари ҳисобига 32 та ўрта умумий таълим мактаби компьютер синфлари билан таъминланган бўлса, 478 та таълим муассасаси «Ziyonet» интернет ахборот тармоғига уланди, замонавий лойиҳа асосида 3 та болалар мусиқа ва санъат мактаби барпо этилди. Санъат коллежининг янги биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Юртбошимиз ташаббуси билан 107 гектарли боғ, вилоят мусиқали драма театрининг янги биноси, замонавий амфитеатр ҳамда «Кўҳна ва боқий Бухоро» монументини ўз ичига олган маданий марказнинг ташкил этилиши эса Бухоро вилоятидаги энг муҳим воқеалардан бўлди, дейиш мумкин.

Шу ўринда вилоятда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда бир қатор ютуқларга эришилганини алоҳида таъкидлаш жоиз. 2010 йилда 2400 дан ортиқ кичик бизнес субъектлари рўйхатга олиниб, улар томонидан 40475 та янги иш ўрни ташкил этилди. Соҳа мутахассисларининг фикрича, тадбиркорлик аҳоли реал даромадининг 46 фоизини ташкил этиб, ушбу кўрсаткич олдинги йилдагига нисбатан 1,1 бандга ўсган.

Ҳудудда даволаш-профилактика муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ишлари ҳам бухороликлар томонидан бежиз эътироф этилмаяпти. Хусусан, «Саломатлик-2» лойиҳаси асосида вилоятдаги 11 та қишлоқ врачлик пунктига 99,8 млн. сўмлик, Осиё Тараққиёт банки лойиҳаси томонидан туғруқ бўлимларига 563,9 млн. сўмлик, Ислом тараққиёт банки томонидан эса республика шошилинч тиббий маркази филиалига 570 млн. сўмлик замонавий даволаш ва диагностика асбоб-ускуналари ўрнатилди. Вилоятдаги «Она ва бола» скрининг марказига махсус автомашина ва 64 минг евро қийматидаги ультратовуш текширув аппарати етказиб берилди.

Мавжуд ҚВПларнинг 37 таси сифатли таъмирланиб, 43 та ҚВПда дорихона ташкил этилди. Шунингдек, вилоятнинг чекка қишлоқ ҳудудларида 11 та «Тез ёрдам» шохобчаси ўз ишини бошлади.

Бир сўз билан айтганда, бухороликлар Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилига ўзига хос тайёргарлик билан қадам қўйдилар.

# Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик аҳоли фаровонлигининг асосий шартидир

## — ДЕЙДИ ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТ МЕҲНАТ, АҲОЛИНИ ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ БОШ БОШҚАРМАСИ БОШЛИҒИ ФЕРУЗ ЭРГАШЕВ

Сайфулла ИКРОМОВ, «XXI asr» мухбири



2010 йили Қашқадарё вилоятида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш ҳамда аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш борасидаги ишларнинг самараси ўлароқ 86,4 мингта (хотин-қизлар учун 35359 та) янги иш ўрни яратилди.

Ҳақиқатан ҳам «Баркамол авлод йили» Давлат дастурининг ижросини таъминлашда аҳоли бандлиги ва даромадини ошириш ҳамда эҳтиёжманд оилаларни қўллаб-қувватлаш, қишлоқ ёшларини тадбиркорликка йўналтириш, уларнинг иқтисодий ва ҳуқуқий билимларини оширишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар вилоят аҳолисининг турмуш фаровонлигини юксалтиришда ижобий самара берди. Иш ўринларининг 78,7 мингтаси қишлоқ жойларга тўғри келиб, 35 мингта иш ўрни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик вакиллари томонидан яратилди. Янги объектларни ишга тушириш ҳисобига 1875, мавжуд корхоналарни реконструкция қилиш ва кенгайтириш ҳисобига 4048, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, хизмат кўрсатиш соҳасининг турли шаклларини жорий этиш йўли билан эса 25793 нафар аҳоли бандлиги таъминланди. Фермер хўжаликларини ривожлантириш ҳисобига 13072 та, уй меҳнатининг барча шаклларини ташкил этиш ҳисобига 27807 та, ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш, аҳоли пунктларини ободонлаштириш ҳисобига 2091 та, банкрот деб эътироф этилган ва фаолияти тўхтаб қолган корхоналар фаолиятини қайта тиклаш ҳисобига 1159 та, бозор инфратузилмасини ривожлантириш ҳисобига 1773 та янги иш ўрни ташкил этилди.

Йирик саноат корхоналари раҳбарлари касаначилик меҳнатидан фойдаланган ҳолда турдош ишлаб чиқариш фаолиятини ривожлантириш ва истеъмол моллари турини кўпайтириш орқали ишлаб чиқариш самарадорлигини кучайтириб, даромадни оширишнинг янги усулларини излаб топаётганликларини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз. Президентимизнинг «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосида ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ижроси йўлида 5253 та иш ўрни яратилди. Вилоятдаги йирик корхоналар қошида йўлдош кичик саноат корхоналари ташкил этилиши ҳисобига, хусусан, «Муборакнефтгаз» унитар шўъба корхонаси, Муборак газни қайта ишлаш заводида касаначиликка алоҳида эътибор қаратилаётгани бандликни таъминлашда муҳим омил бўлаётир. Ҳомийлар томонидан касаначилик меҳнатини ривожлантириш учун хотин-қизларга бепул тикиш машиналари олиб берилаяпти. Улар ўз уйларида фойдали меҳнат билан шуғулланиб, аҳолига маиший хизмат кўрсатиб, корхона ва ташкилотларнинг турли буюртмаларини бажаришмоқда.

— Аҳолини иш билан таъминлашни янада яхшилаш ва турмуш фаровонлигини оширишнинг энг муҳим йўналиши сифатида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳамда ривожлантиришни рағбатлантиришдан иборат, — дейди Феруз Эргашев. — Кичик бизнесни нафақат сон жиҳатидан кўпайтириш, балки сифат жиҳатидан ҳам ривожлантириш, оддий ишлаб чиқаришдан ички ва ташқи бозорга йўналтирилган мураккаб, юксак технологияга асосланган ишлаб чиқаришга ўтишга эришишга ҳаракат қилинмоқда. Бандликни таъминлаш учун вилоятимизнинг ўз ички имкониятлари бор. Улардан самарали фойдаланилса, ишсизлик кескин камайиб, халқ маъмурлиги ортиши табиий. Вилоятимизнинг тоғ зонаси ҳисобланган Шаҳрисабз, Яккабоғ, Китоб туманлари ҳудудида дам олиш масканлари ташкил этиш ҳамда туризмни ривожлантириш бўйича алоҳида дастур ишлаб чиқиш ниятидамиз. Шу ҳисобдан кичик корхоналар очиб, чет эл сайёҳларига миллий сувенир ва бошқа эсдалик совғалари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мумкин. Сайёҳлик марказларида ҳунармандчилик ва халқ усталари ҳамда ҳунармандчилик бирлашмаларини ташкил этиб, халқ бадиий косибчилиги ва миллий ҳунармандчилик ривожлантирилади. Ёш халқ усталари ва косибларига янги ташкил этилаётган устахоналарни кенгайтириш ва жиҳозлаш учун кредитлар ажратишга кўмаклашиш керак. Қарши ва Миришкор туманларида транспорт хизмати, Муборак ва Деҳқонободда алоқа ва ахборот хизмати, Қамаши ва Чироқчида коммунал хизматни ривожлантириш олдимизда турган муҳим вазифалардан ҳисобланади. Косон ва Нишон туманларида эса маиший хизмат шохобчаларини замонавийлаштириб, техник ва технологик жиҳатдан янгиласак, юзлаб янги иш ўринлари пайдо бўлади ва аҳолига кўрсатилаётган хизматлар сифати ва самарадорлиги ошади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида вилоятда аҳоли бандлигини таъминлаш ва иш ўринларини ташкил этиш дастурига асосан 86,9 мингта янги иш ўрни яратиш режалаштирилди. Туман, шаҳар ҳокимликлари томонидан жойлардаги мавжуд имкониятлар, ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларига киритилган объектлар ҳамда тадбиркорлик субъектларининг режалари инобатга олиниб, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кесимида аниқ ва манзилли дастурлар тайёрланди.

Инвестиция, маҳаллийлаштириш, тармоқларни модернизациялаш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик янгилаш дастурларини амалга ошириш ҳисобига 5,8 минг, кичик корхона, микрофирма, якка тартибдаги хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига 36,7 минг, шу жумладан, хизмат кўрсатиш ва сервис хизматини ривожлантириш ҳисобига 20,1 минг, саноатда 2,6 минг, уй-жой қурилиш ва реконструкция қилиш соҳасида 2,8 минг, касаначиликни ташкил этиш ҳисобига 4,5 минг аҳоли бандлиги таъминланади. Паррандачилик, асаларичилик, балиқчилик, лалмикор полиз ва бошқа маҳсулотларни етиштириш ҳамда қайта ишлашга мўлжалланган фермер ва деҳқон хўжаликларини ривожлантириш ва кенгайтириш ҳисобига 8,8 мингта янги иш ўрни ташкил этилади.

Вилоятда янгидан қурилаётган касб-ҳунар коллежлари ва мактаблар қошида ташкил этилаётган аҳолига хизмат кўрсатиш шохобчалари қурилиши ва жиҳозлар билан таъминлашга ҳам асосий эътибор қаратилаётир. Қишлоқ хўжалик техникасига эгалик қилиш, ундан фойдаланиш, етиштирилган маҳсулотни тайёрлаш, қайта ишлаш, сақлаш, жўнатиш ва сотиш бўйича кооперативлар ташкил этиш зарур. Деҳқон ва фермер хўжаликларини ҳуқуқий, иқтисодий, маркетинг ахборот билан таъминлайдиган, хўжалик юритишнинг замонавий қоида ва усулларига ўргатадиган махсус хизматлар тузиш, раҳбарларининг эса билим ва малакасини ошириш, касбга ўқитиш бўйича доимий фаолият кўрсатувчи тизимлар ишини йўлга қўйишимиз даркор. Хулоса қилиб айтганда, юртдошларимиз, айниқса, ёшларимизни тадбиркорликка йўналтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш аҳоли бандлиги ва фаровонлигининг муҳим ва асосий шартидир.

МТУ «МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ» АК 2011 ЙИЛ
ВАҚТЛИ МАТБУОТ НАШРЛАРИГА ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА!
Тел: (8 371) 233-75-49, сайт: www.akmt.uz, e-mail: info@akmt.uz



# Университетнинг электрон кутубхонаси

## ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ТУРИН ПОЛИТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИДА АВТОМАТЛАШТИРИЛГАН РЕСУРС МАРКАЗИ ИШ БОШЛАДИ

**Икки қаватли, ўзига хос меъморий дизайн асосида барпо этилган бинода жойлашган мазкур кутубхона «инфо-киоск» ахборот-коммуникация хизмати, шунингдек, КАРМАТ (корпоратив ахборот-ресурс марказининг автоматлаштирилган тизими) дастури ўрнатилган тармоқли компьютер тизими билан таъминланган. Ушбу воситалар талабалар ҳамда профессор-ўқитувчиларга саноқли сониялар ичида зарур бўлган ўқув қўлланмалари ёки маълумотларни топиш имконини бермоқда. Шу ўринда мазкур электрон тизим ва дастурлар мазкур университет мутахассислари томонидан ишлаб чиқилганини айтиб ўтиш жоиз.**

**Маълумотларга кўра, кутубхона фонди 100 мингта яқин китобдан иборат бўлиб, ана шу ўқув қўлланмалари ҳамда соҳага оид адабиётларнинг 40 мингта яқини электрон шаклдадир.**

*Шуҳрат ХЎЖАЕВ.*

# Маслакдошлар мулоқоти — ютуқлар қаноти

**Асхор ИСТАМОВ, «XXI asr» мухбири**

O`zLiDeP Бухоро туман кенгаши ташаббуси билан Галаосиё шаҳрида ўтказилган тадбирга кичик бизнес вакиллари, маҳаллий тадбиркор ва фермерлар таклиф этилди.

Туман ҳокими Х.Равшанов, O`zLiDeP туман кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят кенгаши депутати Ў.Раҳматов, «Галаосиё овози» газетаси муҳаррири Б.Ражабов, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида улар олдида улкан вазифалар турганлигини, ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда O`zLiDeP аъзоларининг ҳам ўз ҳиссаси катта бўлишини таъкидладилар.

Тадбирда ўз фаолияти билан ҳамюртларига ўрнак ва намуна бўлиб келаётган бир гуруҳ тадбиркор ва фермерлар O`zLiDeP туман кенгашининг фахрий ёрлиқлари топширилди.

**O`zLiDeP**
**Матбуот хизмати хабар қилади**

**ТОШКЕНТ.** O`zLiDeP шаҳар кенгаши томонидан Тошкент юридик коллежида Президентимизнинг Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси" номли маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

Тадбирда Концепцияда илгари сурилган ғоялар ва қонунчилик ташаббуслари, жумладан, давлат бошқарувини янада демократлаштириш, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш ҳамда сайлов қонунчилигини ривожлантириш, фуқаролик жамияти институтларини янада ривожлантириш, иқтисодиётни либераллаштириш, бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш йўналишлари O`zLiDePнинг мафкуравий мақсадлари ва Сайловолди дастурига тўлиқ мос келиши алоҳида таъкидланди.

Давра суҳбатида Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида ўрта қатлам вакилларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, кичик бизнесни иқтисодиётимизнинг таянч бўғинига айлантириш йўналишидаги ислоҳотларни янги босқичга олиб чиқиш, ёшларни, айниқса, таълим муассасалари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш орқали уларнинг бандлигини таъминлаш масалалари атрофлича муҳокама этилди.

•••

**НАМАНГАН.** O`zLiDeP шаҳар кенгаши ва халқ депутатлари маҳаллий кенгашидаги депутатлик гуруҳининг кенгайтирилган йиғилишида ҳудуддаги ичимли сув тармоқларини янгилаш бўйича 2008-2011 йилларга мўлжалланган дастур ижроси муҳокама этилди.

O`zLiDePдан сайланган депутатлар ва партия фаоллари шаҳардаги 55,2 километрлик ичимли сув тармоқларини янгилаш бўйича дастур ишлаб чиқилганига қарамай, унинг ижроси тўлиқ таъминланмаганига алоҳида эътибор қаратдилар. Муҳокамадан сўнг мазкур масалани халқ депутатлари шаҳар кенгашининг жорий йил биринчи чорагида ўтказиладиган сессияси кун тартибига киритиш ҳақида қарор қабул қилинди.

•••

**ҚАШҚАДАРЁ.** O`zLiDeP вилоят кенгаши ва вилоят ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими бошқармаси ҳамкорлигида ташкил этилган "Баркамол авлод – миллат келажаги" мавзуидаги тадбирда навқирон авлод вакилларининг етук инсон бўлиб улғайиши йўлида амалга оширилаётган ишлар хусусида сўз борди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида ёшларни ҳар қачонгидан кўра кўпроқ тадбиркорлик фаолиятига йўналтириш, уларнинг иш билан бандлигини таъминлаш, бу борадаги ишларнинг изчил давом эттирилишидан аҳолининг барча қатламлари, жумладан, O`zLiDeP электорати вакиллари манфаатдор экани тадбир иштирокчиларининг диққат марказида бўлди.

•••

**ХОРАЗМ.** Партия вилоят кенгаши ҳузуридаги Сиёсий таълим маркази томонидан ўтказилган махсус семинар "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси"ни электорат вакиллари ўртасида атрофлича ўрганишга бағишланди.

Семинар давомида тингланган маърузаларда мазкур Концепциядан келиб чиқувчи партиявий вазифалар, шунингдек, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида амалга оширилиши лозим бўлган вазифаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Тадбирда мамлакатимизда иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши ва аҳоли турмуш даражасини оширишга йўналтирилган ижтимоий соҳани ислоҳ қилиш бўйича рўй бераётган ўзгаришлар жараёнида O`zLiDeP иштироки, таълим муассасалари битирувчиларини тадбиркорлик соҳасига кенг жалб этиш ва ёшлар учун янги иш ўринларини яратиш каби масалалар атрофлича муҳокама қилинди.

# Қарс икки қўлдан

## МАМЛАКАТИМИЗДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ТУБ ИСЛОҲОТЛАР, АЙНИҚСА, ЖАҲОН МОЛИЯВИЙ-ИҚТИСОДИЙ ИНҚИРОЗИ ШАРОИТИДА АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШГА БИРЛАМЧИ ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛАЁТГАНИ БОШҚА ҲУДУДЛАРИМИЗДА БЎЛГАНИДЕК ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИДА ҲАМ ЎЗИНИНГ РЕАЛ НАТИЖАЛАРИНИ БЕРМОҚДА

**Озод РАЖАБОВ, Наргиза ҚАҲҲОРОВА, «XXI asr» махсус мухбирлари**

***Юртбошимиз ва ҳукуматимиз томонидан амалга оширилаётган ислоҳотлар, йирик дастурлар туфайли ҳам 2010 йилда Пискент туманида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 27,5 млрд. сўмни, истеъмол моллари ишлаб чиқариш эса 9,7 млрд. сўмни ташкил этди. Туман иқтисодиётига 13,1 млрд. сўм миқдорида инвестиция киритилди. 563 та кичик ва хусусий тадбиркорлик тузилмалари фаолият кўрсатмоқда. Аммо бу жараёнда сиёсий партияларнинг ўрни, ташаббускорлиги айтарли даражада сезилмаяпти.***

Бу саноати ривожланган пойтахт вилоятида қад ростлаётган янги иншоотлар, равон йўллар ва кўприклар, энг чекка қишлоқларда ҳам бунёд этилаётган замонавий турар жой бинолари, кўркам лицей ва коллежлар мисолида ҳам яққол намоён бўлмоқда. Статистик маълумотларга қараганда, вилоятда бугун 61 та қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. 2010 йилда янги ташкил этилган иш ўринлари 2009 йилга нисбатан 100,7 фоиз ортиб, 85969 тани ташкил этди. Бу рақамнинг 34025 таси кичик корхона ва микрофирмалар ҳиссасига тўғри келди. Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари сони эса 3224 тага етди.

— 2011 йилнинг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» деб эълон қилиниши биздан алоҳида масъулият ва шижоат билан ишлашни, ташаббускор ҳамда фаол бўлишни талаб этади, — дейди халқ депутатлари Тошкент вилояти кенгаши депутати, O`zLiDeP вилоят кенгаши раиси Омонулла Исломов. — Бошқача айтганда, янги йил тараққиётимизнинг таянч нуқтасига айланган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари манфаатини ҳимоя қилаётан партиямиз учун ўзига хос имтиҳон даври ҳам бўлади. Шу боис бугун вилоят кенгашига сайланган 27 нафар вакилимиз асосий эътиборни ўрта қатлам кишиларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга, одамларнинг реал даромадини ошириш орқали турмуш фаровонлигини янада юксалтиришга қаратмоқда.

Тўғри, ҳали бу борада камчиликларимиз кўп. Аммо ўтган 2010 йилда вилоят ижтимоий-иқтисодий ҳаётида фаол иштирок этишга ҳаракат қилдик. Электоратимиз фаолиятига доир таклиф ва мулоҳазаларимизни фракция аъзоларига етказдик. Фуқароларнинг ариза ва шикоятларига мувофиқ депутатларимиз томонидан тегишли ташкилот ва идораларга 60 дан ортиқ сўровномалар юборилиб, уларнинг ижроси қатъий назоратга олингани, аҳоли учун реал даромад манбаи бўлган юзлаб янги иш ўринлари яратилгани, оз бўлсада, сайловчилар ишончини оқлашга ҳаракат қилаётганимизни кўрсатади.

Биз юқорида тилга олинган фикрларга ишонч ҳосил қилиш учун пойтахтимизга яқин бўлган Пискент туманида бўлдик. Аниқланишича, туманда 2010 йилда 3664 та янги иш ўрни яратилган. 322 та фермер хўжалигининг 29132 гектар ерида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирилаётгани ва қайта ишлаш цехлари очилаётгани ҳам бандлик масаласига эътибор ортаётганини кўрсатади.

Ўтган йил якунларига кўра, 58 та юридик шахс мақомидаги тадбиркорлик субъекти ва 142 та якка тартибдаги тадбиркор рўйхатдан ўтказилиб, ўз фаолиятини бошлаган.

Бироқ нур борки, соя бор, деганларидек, туман иқтисодиётини орқага тортаётган айрим камчиликлар эришилган ютуқларга маҳлиё бўлиб қолмаслик лозимлигини ҳам англатаяпти. Айниқса, туманнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида фаол иштирок этиши лозим бўлган сиёсий партиялар, улардан сайланган депутатларнинг томошабинлиги сайловчилар томонидан бежиз тилга олинмаяпти.

Биз сафаримиз давомида айнан сиёсий партиялар, уларнинг ҳудудий ва маҳаллий кенгашлардаги вакиллари қандай ташаббусларни илгари сурмоқдалар, улар сайловчиларга берган ваъдаларини қай даражада бажараяптилар, деган саволларга жавоб топишга ҳаракат қилдик.

Маълум бўлишича, Халқ депутатлари Пискент туман кенгашида фаолият кўрсатаётган депутатларнинг 21 нафарини ХДП, 3 нафарини O`zLiDeP, 3 нафарини «Миллий тикланиш» ва яна бир нафарини «Адолат» вакиллари ташкил этмоқда. Бир манбада 89170, бошқасида 130635 нафар деб кўрсатилган туман аҳолисининг атиги 2136 нафаригина мазкур партиялар аъзоси ҳисобланади. Албатта, бу рақамларни изоҳлашга ҳожат бўлмаса керак. Айниқса, туман кенгашидаги жами депутатлик ўринларининг 75 фоизини банд қилган ХДП вакилларини Пискентдек имкониятлари кенг туманнинг айрим соҳалар бўйича бошқа туманлардан ортда қолаётгани унчалар ўйлантирмаётган кўринади.

— Кенгашдаги депутатларимизнинг барчаси фаол, — дейди туман ҳокимлигининг ташкилий-назорат гуруҳи раҳбари Башорат Сатторова. — Бундан ташқари, вилоят кенгашига сайланган икки нафар депутатимиз — ХДП аъзоси Саврон Мирзаев ва «Миллий тикланиш» партияси вакили Марҳабо Қурбонова яхши ташаббуслар билан чиқаяптилар.

Лекин мулоқот чоғида Башорат Сатторова ва на туман ҳокими ўринбосари Илёс Иномжонов ана шу фаол депутатларнинг қандай масалада фаоллик кўрсатганларини эслай олмадилар. Бунинг учун халқ депутатлари туман кенгаши сессияси баённомасига мурожаат қилиш кераклигини таъкидладилар, холос. Наҳотки баённомаларда аксини топган масалалар шунчалар кўпки, масъул ходимларнинг ёдида қолмаган бўлса? Агар аҳоли бандлиги ва ижтимоий муҳофаза масалаларини байроқ қилиб олган Халқ демократик партиясининг 21 нафар депутатидан биронтаси 2010 йил давомида ўтказилган тўртта сессияда пискентликлар ҳаётига доир бирон-бир жиддий масалани туман, вилоят кенгашига олиб чиққанларида эди, балки хусусий секторда банд бўлганлар 1126 тани эмас, кўпроқни ташкил этган бўлармиди.

Ҳар қалай 2008 йилнинг 1 январидан кучга кирган «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонун давлат ҳокимияти органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатишда сиёсий партиялар зиммасига алоҳида масъулият юклаганини туман кенгашидаги 21 нафар ХДП аъзосига эслатишнинг ҳожати бўлмаса керак. Зеро, ана шу қонун партиялараро рақобат муҳитини сезиларли даражада кучайтириши баробарида депутатларга кўплаб ваколатлар ҳам берди. Муаммо — ундан қандай фойдаланилаётганида, холос.

Шу ўринда Халқ депутатлари Пискент туман кенгашида 3 нафар депутати бўлган O`zLiDePнинг ҳам туман кенгашидаги фаолиятидан қониқиш ҳосил қилиб бўлмаслигини таъкиллаш жоиз.

— Бунинг ўзига яраша сабаблари бор, — дейди O`zLiDeP Пискент туман кенгаши раиси ўринбосари Шоира Ражабова. — Аҳолининг аксарияти ён-атрофдаги ҳудудларда ишлайди. Шундай бўлса-да, сайловчиларимизнинг ишончини оқлашга ҳаракат қилаяпмиз. Кенгашга келиб тушган мурожаатномалар асосида 2010 йилда олий ўқув юртларига шартнома асосида ўқишга кирган уч нафар талабанинг ҳар бирига 1250000 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди...

Саховатпеша халқимизда эҳтиёжмандларга ёрдам кўрсатиш фазилат саналади, албатта. Аммо сиёсий партиянинг асосий вазифаси саховатпешалик эмас, балки партия Дастури ва Сайловолди платформасида белгилаб олинган вазифалар орқали аҳоли фаровонлигини оширишни таъминлаш, партия электорати, айниқса, ёшларни ўйлантираётган муаммоларни дадил кўтариб чиқиш эканини наҳотки айрим партиядошларимиз ҳалигача тушуниб етмаган бўлсалар? Пискент аҳолисининг бошқа туманларда меҳнат қилаётганлари эса мамлакатимизда изчил олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар моҳиятини англамаслик, туманда ишлаб чиқаришнинг, тадбиркорлик фаолиятининг етарли даражада ривожлантирилмагани билан боғлиқ эмасми? Бу масала айни пайтда туман раҳбарлари билан бирга маҳаллий кенгаш депутатларини ҳам бирдек ўйлантирмас экан, туман аҳолиси, айниқса, ёшлар орасида бандлик масаласини ҳал этиш муаммо бўлиб қолаверади.

Бугун тумандаги жами O`zLiDeP аъзолари сони 240 нафар бўлиб, кенгаш раиси ўринбосари Шоира Ражабова бу кўрсаткични ижобий ўсиш сифатида баҳолади. Унинг таъкидлашича, 2009 йилда партия аъзолари сони 218 нафар бўлган...

Расмий маълумотларда 23 та БПТ борлиги кўрсатилганига қарамай, уларнинг аксарияти ҳам талаб даражасида фаолият кўрсатаяпти, деб бўлмайди. Аниқланишича, тумандаги ўнлаб молия муассасалари орасида битта банкда, 322 та фермер хўжалигининг атиги бештасидагина бошланғич ташкилотлар фаолият юритмоқда, холос.

O`zLiDeP «Кучли қуйи бўғин — кучли партия» шиорига амал қилаётган бир пайтда туманда 2010 йил давомида 3 маротаба бошланғич ташкилотлар фаолиятига доир ўқувлар, семинар-машғулотлар ўтказилганини қандай баҳолаш мумкин? Бу вилоят ва туман кенгашлари қошидаги сиёсий таълим марказлари фаолиятига берилган баҳо эмасми?

Шу ўринда баъзи партиядошларимизнинг биз озчиликни ташкил этамиз, деган фикрларига ҳам қўшилиб бўлмайди. Тўғри, туманда ХДП аъзоларининг имкониятлари анча юқори. Аммо гап сонда эмас, сифатда, одамлар ишончини қозонишда, йирик ташаббуслар кўрсатиш ва юртдошларимизнинг ҳаётий масалаларини дадил кўтариб чиқишда эканини ҳеч қачон унутмаслигимиз лозим. Вақт келиб, ХДПнинг 21 нафар депутати фаолиятига сайловчи баҳо беради. Бунга шубҳа йўқ. Аммо қайсидир партиянинг номигагина фаолият юритиши туман ижтимоий-иқтисодий ҳаётига, тадбиркорлик, хусусий сектор фаолиятига салбий таъсир этишига йўл қўймаслик керак. Бу O`zLiDeP учун ҳам қимматга тушиши мумкин.

Юртбошимиз ва ҳукуматимиз томонидан амалга оширилаётган ислоҳотлар, йирик дастурлар туфайли ҳам 2010 йилда Пискент туманида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 27,5 млрд. сўмни, истеъмол моллари ишлаб чиқариш эса 9,7 млрд. сўмни ташкил этди. Туман иқтисодиётига 13,1 млрд. сўм миқдорида инвестиция киритилди. 563 та кичик ва хусусий тадбиркорлик тузилмалари фаолият кўрсатмоқда. Аммо бу жараёнда сиёсий партияларнинг ўрни, ташаббускорлиги айтарли даражада сезилмаяпти.

— 2008 йилдан буён O`zLiDeP аъзосиман, — дейди «Усаев Маҳкам» фермер хўжалиги раҳбари Маҳкам Усаев. — Тўғри, партиянинг дастурий вазифалари ижросига туманимизда етарлича эътибор қаратилмаяпти. Сайловлар даврида қоп-қоп ваъдалар бериб, депутатлик мақомига эга бўлганларни-ку, гапирмасаям бўлади. Бундай фикрни ҳатто Олий Мажлисга сайланган депутатимиз ҳақида ҳам айтиш мумкин... Ахир амалга оширилаётган ислоҳотларда фаол иштирок этиш бирламчи вазифамиз эмасми? Ижтимоий қатламга кўмаклашиш, газ ва ичимли сув муаммоларини ҳал қилишни сайловолди дастурларининг устувор йўналиши этиб кўрсатган ХДП вакиллари туман кенгашида кўпчиликни ташкил этсаларда, уларнинг ўтган бир йилда сайловчига нафи текканини эшитмадим...

Хуллас, Пискентда маҳаллий дастурлар ижроси назоратига масъул бўлган депутатлар ва улар мансуб бўлган сиёсий партиялар фаолияти бугун томошабинлик позициясини эслатади, холос.

Ваҳоланки, бугунги ислоҳотлар, туб ўзгариш ва янгиланишлар ҳар бир фуқародан, у қаерда қандай вазифада хизмат қилмасин, катта масъулиятни талаб этади. Бу халқимизнинг қарс икки қўлдан чиқади, деган ажойиб нақлини эслатади.

XXI ASR
IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA
TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O`ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:** Муҳаммадюсуф ТЕШАБОЕВ, Абдурашид ЖЎРАБОЕВ, Алишер ШАЙХОВ, Бахтиёр ЯКУБОВ, Баҳодир ҒАНИЕВ, Зиёдулла УБАЙДУЛЛАЕВ, Илҳом НАСРИЕВ, Мухлиса АКРАМОВА, Равшан ОХУНОВ, Шуҳрат НОРГИТОВ, Шуҳрат ОРИПОВ, Эркин ТОШЕВ, Қиём НАЗАРОВ.

**ТАҲРИРИЯТ:** Озод РАЖАБОВ, Маркс ЮСУПОВ, Зумрад АБРОРОВА, Шаҳзод НАЗАРОВ, Сайфулла ИКРОМОВ, Янгибой ҚЎЧҚОРОВ, Асхор ИСТАМОВ, Тоҳир МАЛИК, Темур АБДУРАҲМОНОВ, Тоҳир МИРҲОДИЕВ, Носир ТОШЕВ, Шуҳрат ОХУНЖОНОВ.

**БОШ МУҲАРРИР:** Миродил АБДУРАҲМОНОВ
**МАТН ТЕРУВЧИ:** Нигора ЖЎРАЕВА
**БЎЛИМЛАР:** Котибият — 281-40-17, Партия турмуши — 254-67-78, Парламент фаолияти — 255-43-57 Ахборот ва таҳлил, хатлар ва шикоятлар — 255-64-80, Иқтисодиёт, тадбиркорлик ва фермерлик фаолияти — 255-68-50, Халқаро ҳаёт — 254-91-06, Ёшлар ва аёллар масалалари — 255-68-50, Реклама дирекцияси — 215-60-45, Факс: 215-63-80
**ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:** Тошкент, «Нукус» кўчаси, 73А-уй.
**ЭЛЕКТРОН ПОЧТА:** axborotXXIasr@yahoo.com XXI_ASR@yahoo.com.
©«XXI ASR»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.
«Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри, «Навоий» кўчаси, 30-уй.

**МУАССИС:** Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.
**«XXI ASR»** ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2007 йил 11 январда 009 рақами билан қайта рўйхатдан ўтган.

Буюртма рақами: J 943
**Тираж: 17 307**

Навбатчилар:
**Т.АБДУРАҲМОНОВ,**
**С.ЗОИРОВ.**

**НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406**

«МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ» АК
2011 ЙИЛ
ВАҚТЛИ МАТБУОТ НАШРЛАРИГА ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА!
Тел: (8 371) 233-75-49, сайт: www.akmt.uz, e-mail: info@akmt.uz

ЯНГИЛИК ВА АХБОРОТЛАРНИНГ ТЎЛИҚ МАТНИ БИЛАН ГАЗЕТАМИЗ САЙТИДА ТАНИШИНГ: WWW.21ASR.UZ

# Мижозлар ишончи муваффақият гаровидир

**ЎТГАН ЙИЛ ЯКУНЛАРИГА КЎРА "АГРОБАНК"НИНГ БУХОРО ВИЛОЯТ БОШҚАРМАСИ КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИНИ МОЛИЯВИЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ МАҚСАДИДА ЎЗ МАБЛАҒИ ҲИСОБИДАН 24,5 МЛРД. СЎМ АЖРАТИБ, 3383 ТА ЯНГИ ИШ ЎРНИ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИГА ЭРИШДИ**

Шаҳзод НАЗАРОВ







Бу йил банк ана шу соҳага 31,2 млрд. сўм кредит ажратишни режалаштирган. Бунинг натижасида вилоятда иш ўринлари сонини 4500 тага ошириш мўлжалланмоқда. Бошқарманинг мавжуд 11 та филиали ҳамда 18 та мини банки ишнинг аниқ режа асосида олиб борилиши учун қулай имконият яратиши табиий. Президентимиз Конституциямиз қабул қилинганининг 18 йиллигига бағишланган тантанали маросимда: "Кичик бизнес субъектларига ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва технологик янгилаш учун ўрта ва узоқ муддатга мўлжалланган кредитлар бериш тизимини янада такомиллаштириш, мавжуд муаммоларнинг ечими бўйича амалий чора-тадбирлар кўришимиз зарур", — дея таъкидлаган эдилар. Бу ўз навбатида республикамиз тижорат банклари, хусусан, "Агробанк" Бухоро вилоят бошқармасидан алоҳида фаоллик талаб этади.

Воҳада иқтисодиётнинг аграр сектори ривожланишида бошқарманинг оқилона кредит сиёсати муҳим ўрин тутади. Деҳқон ва фермер хўжаликлари тасарруфига 2010 йилда 11 та чопиқ трактори, 10 та ҳайдов трактори олиб берилди. Бунинг учун жами 1 млрд. 107 млн. сўм сарфланди. Пировардида 30 та янги иш ўрни яратилди.

Жумладан, воҳада сабзавот ва полиз маҳсулотлари етиштиришни кучайтириш мақсадида деҳқон ва фермер хўжаликларининг 75 та лойиҳасига 386 млн. сўм, паррандачилик, балиқчилик ва асаларичиликнинг ривожи учун 320 млн. сўм кредит ажратилди. Бунинг ҳисобидан 210 дан ортиқ янги иш ўрни ташкил этилди. Шу билан бир қаторда муқобил иситиш манбалари билан ишлайдиган иссиқхоналар фаолиятини кенгайтириш юзасидан Вобкент туманида жойлашган "Фарҳод" фермер хўжалигига 100 млн. сўм кредит берилди. Натижада туман аҳолисининг 9 нафари иш билан таъминланди.

Бундан ташқари, аҳолининг сифатли гўшт ва сут маҳсулотларига бўлган талаб-эҳтиёжини қондириш мақсадида ўтган йили "Азиза Назира" фермер хўжалигига 94 млн. сўмлик кредит сутни қайта ишлаш ускунаси харид қилиш учун йўналтирилди. Ҳозирги пайтда турли хилдаги сут маҳсулотлари аҳолига пешма-пеш етказиб берилмоқда. Эътиборлиси, бошқарма Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида ҳам энг аввало хусусий секторни рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш, уларни техникавий ва технологик қайта жиҳозлаш йўлини изчиллик билан давом эттиради. Жорий йилда банк томонидан қишлоқ хўжалиги корхоналарини қўллаб-қувватлашга, яъни уларни илғор технологиялар ва ускуналар билан жиҳозлашга 2 млрд. 42 млн. сўмлик кредит сарфлаш кўзда тутилган. Бозор иқтисодиёти қонуниятлари ҳаётимизга кун сайин чуқурроқ кириб бораётгани ҳеч кимга сир эмас. Бугунги тадбиркорларимиз билим, маҳорат ва омилкорлик кўникмаларини жуда тез эгалламоқдалар.

Шуни алоҳида қайд этиш лозим: ўтган йилда банк томонидан инвестицион лойиҳаларни молиявий қўллаб-қувватлашга 6,2 млрд. сўмлик кредит маблағи сарфланди. Бунинг самараси ўлароқ 276 та янги иш ўрни ташкил этилди. Айтиш жоизки, бошқарманинг лойиҳаларни инвестициялаш ҳамда инвестиция кредити бериш ва уларга хизмат кўрсатиш масалалари билан шуғулланувчи таркибий бўлинмаларида юқори малакали кадрлар хизмат қилишмоқда.

Маълумки, республикамизда ёш оилаларга моддий ва маънавий кўмак беришда банкларнинг сармояси муҳим аҳамият касб этади. Ўтган йили бошқарма 88 та ёш оилага 529 млн. сўм миқдорида истеъмол кредити сарфлади. 2011 йилда шу йўналишга 585 млн. сўм ажратилиши режалаштирилган.

2010 йили бошқарма томонидан пластик карточкаларнинг аҳоли кенг қатламлари орасида оммалашувини таъминлаш, электрон ҳамённинг амалиётдаги кўламини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилди. Ҳозиргача банк миллий валютада чиқарган карточкалар сони 118461 тани ташкил этади. Бу йил яна 30000 мингта пластик карточка тарқатиш режалаштирилган. Шунингдек, якунига етган йилда барча савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларига 1026 та терминал ўрнатилди.

Хулоса қилиб айтганда, бугун "Агробанк"нинг Бухоро вилоят бошқармаси хизматларидан фойдаланиб, халқимиз дастурхонини тўкин қилган ҳолда ўзи ҳам барака топаётган ишбилармон ва тадбиркор юртдошларимизни қадимий ва навқирон воҳанинг барча ҳудудларида учратасиз. Шуни ишонч билан айтиш мумкинки, "Агробанк" сармоялари тадбиркорлик, бунёдкорлик ва тараққиёт хизматидадир.

# 2011 га икки карра масъулият билан

**ТАРИХГА АЙЛАНГАН 2010 ЙИЛДА ЎРТА ҚАТЛАМНИНГ АСОСИЙ ВАКИЛЛАРИДАН САНАЛГАН ФЕРМЕРЛАРГА ЎЗБЕКИСТОН ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ УЮШМАСИ АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТДИ**

Акбар МУЗАФФАРОВ



Хусусан, 4864 нафар фермерга 568,2 млн. сўмлик консалтинг, 784 фермерга 47 млн. сўмлик юридик ва 4874 фермерга 73,1 млн. сўмлик брокерлик хизматлари кўрсатилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 31 мартдаги "Қишлоқ хўжалиги учун минитехнологиялар ва ихчам ускуналарнинг V халқаро ихтисослаштирилган кўргазма-савдосини ўтказишни ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан Тошкент шаҳри, Самарқанд, Қашқадарё, Фарғона ва Хоразм вилоятларида ўтказилган кўргазма-савдоларда 9500 дан ортиқ фермер иштирок этиб, минитехнология ва ихчам ускуналар бўйича умумий қиймати 122214,9 млн. сўмлик 1721 та шартнома ва келишув баённомалари имзоланди.

Якунига етган йилда уюшманинг 3 нафар ходими Японияда, 30 дан ортиқ фермерлар Хитой, Туркия ва Исроилда бўлиб, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги билим ва тажрибаларини ошириш имкониятига ҳам эга бўлдилар. Уюшма томонидан амалга оширилган хайрли ишлардан яна бири Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ОБСЕ) лойиҳаси доирасида фермер хўжаликларини инновацион технологиялар билан таништириш, шунингдек, маркетинг ва менежментни ривожлантириш, қишлоқ хўжалигида эришилаётган ютуқлар, амалий фан натижалари билан таништириш ҳамда уларга кенг кўламли хизмат кўрсатувчи инфратузилмаларни ривожлантириш мақсадида Бухоро, Самарқанд ва Тошкент вилоятларида замонавий агротехника билан жиҳозланган "Ахборот-таҳлил" марказлари ташкил этилди. Шунингдек, ўтган йилнинг декабрь ойидан фермер хўжаликлари қошида "Ўзбекистон агро-ахборот инновация" маркази ўз фаолиятини бошлади. Бу — энди фермерларимиз замонавий агротехника воситалари тўғрисидаги кўникмаларни шу ернинг ўзида олишлари мумкин, дегани.

Таъкидлаш жоиз: 2011 йилнинг "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" деб эълон қилиниши уюшма зиммасидаги масъулиятни икки карра оширди, дейиш мумкин. Янги йилда фермер хўжаликлари томонидан импорт ўрнини босувчи ва экспортга мўлжалланган инвестицион лойиҳаларни молиялаш халқаро молия институтлари — Германиянинг GTZ, Япониянинг JICA, Туркиянинг TICA ташкилотлари билан ҳамкорликни янада кенгайтириш кўзда тутилганининг боиси ҳам ана шунда. Шу билан бирга асосий эътибор фермер хўжаликларининг шартнома тузиш борасидаги ҳуқуқий билимларини ошириш, қишлоқ хўжалиги бўйича ҳуқуқшунослар тайёрлаш масаласини ҳал этишга қаратилмоқда. 2011 йилнинг январь ҳолатига реапубликамизда жами 66134 та фермер хўжалиги қайд этилган. Уларга ажратилган ер майдони эса 5294,2 минг гектардан иборат. Уюшманинг эндиги мақсади фермерларимиз ерларининг унумдорлигини ошириш, шўрланишга қарши курашиш ва сув ресурларидан оқилона фойдаланиб, республика иқтсодиётига ўзларининг муносиб ҳиссасини қўшишдир.

Асосийси, уюшма фермерларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, соҳада қайта ишлашни ривожлантириш, қишлоқда ижтимоий инфратузилмалар фаолиятини янада яхшилаш учун Олий Мажлис палаталари ҳамда O`zLiDeP билан ҳамкорликни кучайтирмоқчи.

# БИЗНЕС-БАШОРАТ

*(20-26 январь)*

**ҚЎЙ (21.03-19.04).** Иш жойларида катта ютуқларга эришаётган бурж вакиллари айнан шу ҳафтада етук мутахассис сифатида юқори лавозимлардан бирини эгаллаш имкониятига эга бўладилар. 26 январь куни эса улар кўпйиллик орзуларининг рўёбга чиқиши муносабати билан яқинлари учун зиёфат уюштириб беришлари кутилмоқда.

**БУЗОҚ (20.04-20.05).** Дунёқарашингизда жиддий ўзгаришлар рўй берса-да, ён-атрофингиздаги бизнес-ҳамкорларга нисбатан муносабатингизни аввалги ҳолича сақлаб қолишга ҳаракат қилинг. 23-24 январь кунлари шахсий ҳаётингизда рўй берадиган ижобий ўзгаришлар кайфиятингизнинг кўтарилишига сабаб бўлади.

**ЭГИЗАКЛАР (21.05-20.06).** Ҳафта давомида асосий эътиборни хавфсизлигингизни таъминлашга қаратинг, бизнес соҳасида таваккал қилишга шошилманг. Топшириқларга вазиятни обдан ўрганиб чиққанингиздан сўнггина қўл уринг. Ойнинг 24-25-саналарида ўтказиладиган тадбирларга жиддий тайёргарлик кўришга ҳаракат қилинг.

**ҚИСҚИЧБАҚА (21.06-22.07).** Иш жойингизда ҳам, шахсий ҳаётингизда ҳам ижобий ўзгаришлар рўй беради. Қил учида турган муносабатларга эса нуқта қўйганингиз маъқул. Ойнинг 20-21 санасида азалий рақибингизга рўбарў бўлишингиз, 22-23 январь кунлари молиявий аҳволингизни яхшилаб олишингиз кутилмоқда.

**АРСЛОН (23.07-22.08).** Янги бизнес-режаларни кўриб чиқиш, иш тартибига ўзгартиришлар киритиш учун қулай ҳафта. Мазкур ҳолатлар фаолиятингизга ижобий таъсир этадими ёки аксинча бўладими — бу сизнинг саъй-ҳаракатингизга боғлиқ. 25-26 январь кунлари кайфиятингизни бироз туширадиган воқеа рўй бериши мумкин.

**ПАРИЗОД (23.08-22.09).** Ҳафта мобайнида янги танишлар орттириш, кўпчиликнинг эътиборини қозониш имкониятига эга бўласиз. 22-23 январь кунларини қалбингизга яқин бўлган инсон билан ўтказишингиз, у билан биргаликда ажойиб саргузаштларни бошдан кечиришингиз кутилмоқда.

**ТАРОЗИ (23.09-22.10).** Баъзи ҳамкасблар билан орадаги муносабатларни яхшилаш, иш жойингиздаги мебель ва техника воситаларини янгилаш учун қулай ҳафта. 20-21 январь кунлари меҳнатингиз эвазига муносиб тақдирланишингиз, 24-санада эса жиддий синовга дуч келишингиз мумкин.

**ЧАЁН (23.10-21.11).** Имиж ва ташқи қиёфангизни ўзгартирган ҳолда кўпчиликни лол қолдиришга муваффақ бўласиз. Дам олиш кунлари кичкина кўнгилсизликларни бошдан кечиришингиз, 25-26 январь кунлари эса қармоғингизга «олтин балиқча»ни илинтиришингиз кутилмоқда. Янги ҳафтанинг иккинчи ярмида фарзандларингиз тарбиясига эътиборлироқ бўлинг.

**ЎҚОТАР (22.11-21.12).** Дам олиш, куч-қувват тўплаш ҳамда янги буюмлар харид қилиш учун қулай ҳафта. 20-21 январь кунлари саломатлигингиз билан боғлиқ муаммоларга дуч келсангиз-да, янги ҳафтанинг биринчи ярмида оилангиз аъзоларига унутилмас онларни тақдим этиш имконияти бўлади. Муҳим учрашувларни ойнинг сўнгги ўнкунлигига белгилаганингиз маъқул.

**ТОҒ ЭЧКИСИ (22.12-19.01).** Иш жойингизда катта тажриба ва маҳорат эгаси, хонадонингизда эса намунали ота-она ёки фарзанд эканингизни намоён этиш имкониятига эга бўласиз. Бугун-эрта мукофотланишингиз, 24-25-саналарда эса, аксинча, молиявий муаммоларга дуч келишингиз мумкин.

**ҚОВҒА (20.01-18.02).** Ҳафта давомида мартабали инсонлар билан учрашиб, ўзаро манфаатли келишувларни имзолаш, бу орқали иш жойингиздаги мавқеингизни яхшилаш имкониятига эга бўласиз. Ойнинг 20-санасида шахсий ҳаётингиз билан боғлиқ масалаларни ҳал этишингиз, 25-26 январь кунлари эса кўпйиллик қадрдонларингиз суҳбатини олишингиз кутилмоқда.

**БАЛИҚ (19.02-20.03).** Режалар тузиш, ён-атрофингиздагилар билан муносабатларни яхшилаш учун қулай давр. Айнан шу ҳафта давомида малака ошириш, дунёқарашингизни кенгайтириш имкониятига эга бўласиз. 24-25 январь кунлари юрагингизга яқин бўлган инсон билан сайру саёҳатга чиқишингиз кутилмоқда.

AGROBANK
«АГРОБАНК» ОТБ
«Fitch Ratings»
нуфузли халқаро рейтинг агентлиги «Агробанк» очиқ акциядорлик-тижорат банкини узоқ ва қисқа муддатли кредитга лаёқатлилик рейтингларини




«В» «БАРҚАРОР»
даражада тасдиқлади.
БИЗНЕСИНГИЗ РИВОЖИ САРИ БАРҚАРОР ҲАМКОРНИ ТАНЛАНГ!
«АГРОБАНК» — ЮРТ ОБОДЛИГИ ВА ЯРАТУВЧАНЛИК ҒОЯЛАРИНИНГ МОЛИЯВИЙ ТАЯНЧИ!

«МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ» АК 2011 ЙИЛ ВАҚТЛИ МАТБУОТ НАШРЛАРИГА ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА!
Тел: (8 371) 233-75-49, сайт: www.akmt.uz, e-mail: info@akmt.uz

**Воқеалар, Далиллар, Шарҳлар**




## 1,6 МЛРД. ЕВРОГА ТУШГАН ТАРТИБСИЗЛИКЛАР

**Бир неча кундан буён Тунисда давом этаётган тартибсизликлар мамлакат бюджетига 1,6 млрд. евро (2,2 млрд. доллар) миқдорида зарар келтирган.**
**Мазкур маълумотни мамлакат ички ишлар вазири Аҳмед Фриа 17 январь куни қилган баёнотида айтиб ўтган. Мамлакат ЯИМининг тахминан 4 фоизига тенг бўлган ушбу чиқим бош вазир келтирган рақамларда ҳам ўз аксини топди. Шунингдек, можаролар мамлакат туризм соҳасига ҳам жиддий зиён етказмоқда. Ўтган ҳафтада ушбу давлатга ташриф буюрувчи сайёҳлар сони кескин камайиши кузатилган. Тўс-тўполонлар натижасида Африканинг энг шимолий мамлакатида 70 нафар тинч аҳоли ҳалок бўлди.**
**Эслатиб ўтамиз: жорий йилнинг 14 январь куни собиқ президент Зин ал Абидин Бен Али мамлакат чегарасидан чиқиб кетган эди. Айни вақтда муваққат ҳокимиятни парламент спикери Фуэда Мебаза бошқармоқда.**



## «ЯШИЛ ИҚТИСОДИЁТ»ГА ЎТИШ ЙЎЛИ

**Бу ҳақда БМТ бош котиби Пан Ги Мун Бирлашган Араб Амирликлари (БАА)га ташриф буюриб, у ерда энергиянинг тикланувчан манбаларини ривожлантиришга бағишланган йиллик энергетик саммитда айтиб ўтди. Жумладан, БМТ раҳбари ривожланиш учун энергияга бўлган эҳтиёж жуда катталигига эътиборни қаратди. Унинг фикрича, яқин 20 йил давомида жаҳонда энергиянинг истеъмоли 40 фоиз ўсади. Бугунги кунда 1,6 млрд. киши ҳали ҳам электр энергиясисиз яшамоқда.**
**Бош котиб саммит иштирокчиларини қазиб олинадиган ёқилғига таянган иқтисодиётдан, экологик жиҳатдан соф, шу жумладан, тикланувчан энергия манбаларига асосланган, "яшил иқтисодиёт"га ўтиш йўли билан глобал энергетик тизимнинг шаклини ўзгартиришга чақирди. У қўйилган мақсадга эришиш учун 20 йил давомида ушбу соҳани ривожлантиришга йилига 35 млрд. АҚШ доллари миқдорида маблағ киритиш лозимлигини таъкидлади.**

*Акбар МУЗАФФАРОВ тайёрлади.*

# Табиатга зуғум қилманг!

**ТАРИХГА АЙЛАНГАН 2010 ЙИЛИ КУЗАТИЛГАН НОХУШ ОБ-ҲАВО ПОКИСТОН ВА ХИТОЙДА ВАЙРОНАКОР СУВ ТОШҚИНЛАРИНИ КЕЛТИРИБ ЧИҚАРГАН БЎЛСА, РОССИЯДА МИСЛИ КЎРИЛМАГАН ИССИҚЛИК УЛКАН ЁНҒИНЛАРГА САБАБ БЎЛДИ**



***Маълумотларга қараганда, 1880 йилдан бери «иссиқхона эффекти»ни келтириб чиқараётган газлар ҳажми 30 фоизга ошган. Кўплаб олимлар айнан ана шу омил Ер юзи иқлими исишига сабаб бўлаётганини, агар кескин чоралар кўрилмаса, 2100 йилга бориб сайёранинг ўртача ҳарорати 1.4 дан 5.8 даражагача кўтарилиши мумкин.***

**Файзулла АБДУЛБОҚИЕВ**

БМТнинг иқлим ўзгаришлари бўйича қўмитаси экспертларининг огоҳлантиришича, ҳаво бўшлиғида иссиқлик ғазлари тўпланаётгани боис XXI асрда табиат кескин ўзгаришларга юз тутади. Инсониятнинг органик ёқилғидан фойдаланишга кенг ружу қўйиши, манфаат илинжида ҳар қандай ёвузликдан қайтмаётгани ана шундай хунук оқибатларни келтириб чиқараётганини таъкидламоқ жоиз.

АҚШ иқлим маълумотлари бўйича Миллий марказининг баёнотига кўра, 1880 йили ҳаво ҳароратини кузатиш йўлга қўйилганидан буён 2005 ва 2010 йиллар энг иссиқ давр бўлган.

Юзага келган қалтис вазият инсониятдан экологик хавфсизлик ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш муаммоларига алоҳида эътибор қаратишни тақозо этмоқда. Табиий ва минерал хом ашё захираларидан ваҳшийларча фойдаланиш, ўрмонларнинг ўйламай-нетмай кесиб ташланиши, табиатни муҳофаза қилувчи энг оддий тозалаш иншоотларига эга бўлмаган улкан саноат корхоналарининг бунёд этилаётгани натижасида барча заҳарли ва зарарли саноат чиқиндилари ҳаво кенгликларини, сув ҳавзалари ва ер майдонларини ифлослантириб бўлди. Шунинг учун ҳам халқаро кузатувчилар мазкур муаммо сўнгги йилларда янада кескинлашганини таъкидлай бошладилар. Олимларнинг фикрича, Ер юзи иқлими исиб бормоқда. Об-ҳавонинг кутилмаган инжиқликларига асосан инсон омили сабаб бўлмоқда.

Аслида иқлим ҳамиша ўзгарувчан бўлиб, кўп ҳолларда унга табиий жараён сифатида қаралади. Аммо XX асрда иқлимнинг табиий омиллар асосида эмас, инсон фаолияти натижасида ўзгара бошлагани — аччиқ бўлсада, ҳақиқат. Иқлим ўзгариши ҳақида гап кетганда, олимлар унинг асосий омилларидан бири сифатида «иссиқхона эффекти»ни тилга олишади.

«Иссиқхона эффекти» Қуёш энергиясининг Ер сатҳида жамланиб қолишига олиб келаётган омил бўлиб, шу ҳодиса юз бермаганида сайёрамиз иқлими аввалги ҳолатида қолиши мумкин эди. Уни инсон фаолияти натижасида атмосферага чиқарилаётган карбонат ангидрид, метан ва бошқа бир қатор газлар вужудга келтиради. Уларни асосан саноат корхоналари, кўмирда ишловчи электростанциялар, машина ва самолётларда ишлатиладиган ёқилғи келтириб чиқармоқда. Маълумотларга қараганда, 1880 йилдан бери «иссиқхона эффекти»ни келтириб чиқарувчи газлар ҳажми 30 фоизга ошган. Кўплаб олимлар худди ана шу омил Ер юзи иқлимининг исишига сабаб бўлаётганини таъкидлайдилар. Мабодо етарли чоралар кўрилмаса, 2100 йилга келиб Ер сайёрасининг ўртача ҳарорати 1.4 дан 5.8 даражагача кўтарилиши мумкин экан.

Кейинги пайтларда жаҳон иқлимшунослари об-ҳаво инжиқликлари янада кўпайишини башорат қилаётган эдилар. Бунинг исботи ўлароқ, кейинги ҳафталар ичида Германия, Чехия, Бельгия, Голландия, Австралия, Бразилия каби бир қатор мамлакатларда инсонларнинг қурбон бўлишига олиб келган сув тошқинлари юз берди. Айниқса, Бразилиянинг жануби-шарқий ҳудудлари, хусусан, Тересополис, Нова-Фрибург, Сумидор, Итайпава ва Петрополис шаҳарларида кучли ёмғирнинг сел ва кўчкиларни келтириб чиқаргани 700 нафардан ортиқ инсоннинг ўлимига сабаб бўлди. Бу мамлакат тарихидаги энг йирик ҳалокат сифатида эътироф этилаётгани ҳам бежиз эмас.

Ёдингизда бўлса, ўтган йили Покистонда узоқ ёққан кучли ёмғир туфайли юзага келган сув тошқини ва ер кўчкиси оқибатида бутун бошли қишлоқлар Ер юзидан ювилиб кетиб, мамлакат шимоли ғарбидаги Ҳайбар Паҳтунква вилоятида 1200 киши қурбон бўлган, 2,5 миллион фуқаро борбудидан ажралганди.

Россияда куннинг ҳаддан ташқари исиб кетиши оқибатида ўрмонлар аланга ичида қолганидан ҳам яхши хабардорсиз.

Таъкидлаш жоиз: 2010 йилнинг ёзи Россиядаги метеокузатувлар тарихидаги энг иссиқ ёзлардан бири, дея аталмоқда: биргина июль ойининг ўзида Россияда 10 маротаба ҳарорат рекорди ўрнатилганди.

Шарқий Осиёдаги Хитой ва Жанубий Америкада жойлашган Колумбиядаги сув тошқинлари ҳам минглаб кишиларнинг бошпанасиз қолишига ва умумий ҳисобда 1500 дан ортиқ одамнинг ёстиғини қуритишга олиб келган. Хуллас, глобал миқёсдаги иқлим ўзгаришлари ғайриоддий тарзда ривожланиб бормоқда.

Годдард номидаги АҚШ космик тадқиқотлар институти (НАСА) экспертларининг хабар қилишларича, ҳаво бўшлиғи ва океанлардаги ўртача ҳарорат борган сари исиб бораяпти. Иқлимшунос Рэйф Померанснинг сўзларига қараганда, мазкур маълумотлар сайёрамиз исишда давом этаётганлигини англатади.

Об-ҳаво мутахассисларининг айтишларича, Ер юзидаги иқлим исиши Қуёш нури ва Ер орбитаси параметрларининг ўзгариши, вулқон фаоллиги, ҳаво бўшлиғида сув буғи таркибининг ўзгариши ҳам табиий, ҳам антропоген омиллар туфайли зарарли газларнинг концентрацияси ортидан юз бермоқда. Тўғри, бу борада илмий доираларда қизғин тортишувлар ҳамон давом этмоқда.

Айни пайтда глобал исиш жараёни нафақат Ер куррасида, балки бутун бошли Қуёш системасида ҳам кузатилмоқда.

Таҳлилчилар дунё миқёсида об-ҳавони кузатиш бошланганидан буён кейинги ўнйиллик энг иссиқ давр бўлганини таъкидламоқдалар. Жаҳон метеорология ташкилотининг 160 йиллик кузатувлари асосида тақдим этилган ҳисоботда сўнгги 40 йил давомида она сайёрамизда ҳарорат мунтазам кўтарилиб боргани тилга олинади. Хусусан, 2000 йилдан кейинги ҳарорат XX асрнинг 90-йиллардагиға нисбатан Цельсий бўйича ўртача 10 даража иссиқроқ бўлгани айтилмоқда.

Глобал гуманитар форум ҳисоботида эса иқлим ўзгариши туфайли ҳар йили турли касалликларга чалинган 315 минг нафардан зиёд инсон ҳаётдан кўз юмаётгани таъкидланади. 2030 йилга бориб бу кўрсаткич 500 мингтага етиши мумкин. Бундан ташқари, иқлим ўзгаришлари сабабли ҳар йили 325 миллион кишининг соғлиғига путур етаяпти.

Экологиянинг бузилиши бутун дунёда турли-туман касалликлар сонининг ортишига ҳам олиб келаётир. Бетўхтов давом этаётган қуролланиш, атом, кимёвий ва оммавий қирғин қуролларининг бошқа турларини ишлаб чиқариш, сақлаш ва синаш ҳам муҳитнинг ифлосланишига, турли табиий офатларнинг ортиб боришига сабаб бўлаётир.

Албатта, табиат ҳолати бирданига ва дарҳол ёмонлашиб қолмайди, бу узоқ давом этадиган жараёндир. Шундай экан, тараққиётнинг ҳозирги босқичи ва келажаги ана шу муаммонинг қай даражада ҳал қилинишига боғлиқ. Табиийки, халқаро ҳамжамият атроф-муҳит шароитларини яхшилашга қанчалик кам эътибор қаратгани сайин табиат ҳам инсондан шунчалик кўп ўч олмоқда.

Айрим экспертларнинг фикрича, иқлим ўзгаришлари борасидаги баёнотлар қуруқ ваҳимадан бошқа нарса эмас.

— Океанлардаги сув миқдори тобора ортиб бораётгани ҳақидаги муболағали башоратлар қуруқ ваҳимадан иборатдир, — дейди Стокгольм университети мутахассиси Нильс-Аксель Морнен. — Агар сиз уммон сувининг асрлар мобайнида қирғоқда қолдирган чизиқларини диққат билан кузатсангиз ва солиштирсангиз, сув ўз меъёрида эканига амин бўласиз.

Бироқ 2010 йилдаги офатлар ва йилнинг хунук табиий ҳодисалар билан бошланиши хавотирларда жон борлигини тасдиқлайди.

Сўнгги маълумотларга кўра, америкаликларнинг 57 фоизи иқлим ўзгаришини табиий ҳол деб баҳолайди. Бу жараён инсониятнинг аралашуви билан юзага келмоқда, деб ҳисоблайдиганлар сони 47 фоиздан 36 фоизга камайган. Бироқ дунёдаги етакчи компаниялар томонидан ўтказилган сўровларга кўра, жаҳон бўйлаб иқлим ўзгаришлари борасидаги хавотирлар ҳамон ўсиб бормоқда. Респондентларнинг 64 фоизи иқлим ўзгаришларини ўта жиддий муаммо деб ҳисоблагани ҳам бунинг исботидир. Бу натижа 1998 йилда ўтказилган сўровларга қараганда 20 фоиз юқоридир.

БМТ бош котиби Пан Ги Мун ҳам қатор халқаро анжуманларда сайёрамиз исиб бораётганига шубҳа билан қарайдиган вақт ўтиб кетганини тилга олганини унутмаслик керак.

— Иқлим ўзгариши бўйича тузилган халқаро ҳукуматлараро комиссияси глобал иқлим исиши одам фаолияти билан боғлиқ, деган аниқ хулосага келди, — дейди Пан Ги Мун. БМТ ҳисоботида иқлим исиши, айниқса, қуруқлик ҳамда шимол баландликларида яққол сезилаётгани билдирилган. Олимларнинг фикрича, Арктика музликлари эриши оқибатида XXI асрда денгиз сатҳи 18 дан 59 сантиметргача кўтарилиши мумкин. Бундан ташқари, Европанинг шимоли-шарқига келаётган илиқ океан оқимлари секинлашиши кутилаяпти. БМТнинг ҳукуматлараро комиссияси ҳисоботида глобал илиқлашув оқибатида бўрон, тўфон, сув тошқинлари ва бошқа табиий офатлар аввалгига қараганда тез-тез содир бўлиши башорат қилинган ва бугунга келиб бу тахминлар ўзини оқлаётганига гувоҳ бўлиб турибмиз.

Экологик фалокатлардан Марказий Осиё минтақаси ҳам холи эмас. Минтақада табиий муҳитнинг ёмонлашуви билан бирга тупроқнинг шўрланиши, ерусти ва ерости сувларининг сатҳи пасайиши, сувнинг тақчиллиги ва ифлосланиши билан боғлиқ ҳодисалар рўй бермоқда. Бу эса тараққиётнинг ҳозирги босқичида инсон билан табиатнинг ўзаро таъсирига оид бир қатор муаммоларни ҳал этиш фақат бир мамлакат доирасида чекланиб қола олмаслигини кўрсатмоқда. Уни бутун сайёра кўламида ҳал қилиш зарур. Бунинг учун эса инсон томонидан биосферага кўрсатилаётган таъсирни тартибга солиш, инсон ва табиатнинг ўзаро муносабатларида мувозанатга эришиш мақсадга мувофиқдир.

## ХИТОЙ ЖАҲОН БАНКИДАН ЎЗДИ

**Ҳисоб-китобларга кўра Хитой кейинги икки йилда давлатларга кредит бериш бўйича Жаҳон банкидан ўзиб кетган. Мутахассислар айтишларича, Хитой 2009 ва 2010 йиллар оралиғида 110 млрд. АҚШ доллари миқдорида кредит ажратган. Жаҳон банки (ЖБ) эса шу вақт ичида 100,3 млрд. доллар миқдорида қарз берган.**
**Жаҳон банки айни пайтда заём етказиб бериш борасида кучли рақобат юзага келмаслигини таъминлаш мақсадида Хитой билан кооперация қилиш йўлларини ахтармоқда. Маълумотларга кўра яқин ўтмишда расмий Пекин ЖБнинг ёрдамидан энг кўп фойдаланадиган мамлакатлардан бири бўлган.**
**АҚШ аввалари йирик кредитор эди, лекин айни дамда ХХР бу борада икки баробар фаол ҳаракат қилмоқда, дея таъкидлаган "Brookings Institusion" эксперти Эрика Даунс. Шунингдек, Британия нашрлари ҳам Чин ўлкаси 2,5 триллион долларга тенг олтин захираси туфайли кредит бериш борасида кенг имкониятларга эга экани ҳақида бонг урмоқда.**



## АҲОЛИ 7 МЛРД.ГА ЕТАДИ

**АҚШ аҳолини рўйхатга олиш бюроси тарқатган хабарларга кўра 2012 йилга бориб сайёрамизда яшаётган одамлар сони етти миллиардга етади. Қирққа яқин давлатда олиб борилган кузатувлар натижасида фақат 2050 йилга бориб дунё аҳолиси сони камайиши аниқланган. АҚШ бош статистика маркази вакилларининг таъкидлашларича, бу даврда туғилишнинг кескин камайиши кузатилади.**



Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Тошкент вилоят кенгаши Олмалиқ шаҳар кенгаши раисининг биринчи ўринбосари — аппарат раҳбари Абдувоҳид Шодиевга падари бузруквори
**Аблахўжа ота**нинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ» АК 2011 ЙИЛ ВАҚТЛИ МАТБУОТ НАШРЛАРИГА ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА!
Тел: (8 371) 233-75-49, сайт: www.akmt.uz, e-mail: info@akmt.uz

# Регистон қаерда жойлашган?

**ДОХАДА ЎЗБЕКИСТОН ТЕРМАСИГА МУХЛИСЛИК ҚИЛИБ, БАЙРОҒИМИЗНИ БАЛАНД КЎТАРАЁТГАНЛАРНИНГ КЎПЧИЛИГИНИ O`ZLIDEP ВАКИЛЛАРИ ТАШКИЛ ЭТМОҚДА**




Суратда: O`zLiDeP Оҳангарон шаҳар кенгаши раиси Шавкат Комилов (ўнгда)

**ЭРТАГА ВАДИМ АБРАМОВ МУРАББИЙЛИГИДАГИ МИЛЛИЙ ТЕРМА ЖАМОАМИЗ «ҚАТАР-2011» МУСОБАҚАСИНИНГ ЧОРАК ФИНАЛИДА ИОРДАНИЯ ТЕРМАСИГА ҚАРШИ МАЙДОНГА ТУШАДИ**

Мазкур мусобақага бағишланиб, ўйинлар арафасида, шунингдек, танаффуслар пайтида эфирга узатиладиган, иштирокчи-давлатларнинг энг шонли қадамжоларидан акс эттирилган роликка ҳеч эътибор бердингизми? Тақдимотнинг навбати ЎЗБЕКИСТОНга келганида экранда Шердор, Тиллакори ҳамда Улуғбек мадрасаларидан таркиб топган Регистон майдони акс эттирилади. Ана шу пайтда термамиз мухлислари кўнглидан «Қанийди, термамиз турнир ғолиблигини қўлга киритса-ю, бошқа давлат вакиллари ҳам Шарқ меъморчилик услубида барпо этилган ана шу бетакрор мажмуа Ўзбекистоннинг қайси шаҳрида жойлашган экан, деб қизиқсалар» деган фикрлар ўтган бўлса, ажабмас...

Таъкидлаш жоиз: айни пайтда қизғин паллага кирган Осиё кубоги беллашувларининг ортда қолган икки ҳафтаси давомида мезбон — Қатар ҳукумати бутун дунё аҳлига 2022 йилги жаҳон чемпионатини ҳеч қандай муаммоларсиз ўтказа олишини намоён этиб берган бўлса, мусобақада бутунлай бошқача ўйин услубини намойиш қилаётган Ўзбекистон термаси қитъанинг энг кучли жамоалари қаторидан ўрин олишга ҳақли эканини исботлади.

Эътиборлиси, футболчиларимиз ана шу туб бурилишни мавқеи аввалги Осиё чемпионатларига нисбатан анча ўсган мусобақада ясашга муваффақ бўлишди. Сўзимиз исботи сифатида Доха яшил майдонларида термамизнинг собиқ бош мураббийи, англиялик Боб Хоутон томонидан қайтадан шакллантирилаётган Ҳиндистон термасини ҳисобга олмаганда, бир хил кучга эга бўлган рақибларнинг ўзаро баҳслашгани, хусусан, Хитой, Қатар ва Қувайт термаларининг гуруҳ ўйинларининг сўнгги туригача чорак финалга чиқиш имкониятини сақлаб қолгани, турнир арафасида ғолибликка даъвогар сифатида кўрилаётган Саудия Арабистони термасининг аввал Сурия, кейин эса Иордания томонидан мағлуб этилганини айтиб ўтиш мумкин.

Тўғри, 3-турда Чин юрти вакиллари билан беллашган В.Абрамов шогирдларини дуранг ва ҳатто кичик фарқ билан қайд этилган мағлубият ҳам қаноатлантирарди. Шундай бўлса-да, вакилларимиз кутилмаганда тезкор ўйин намойиш этган, 90 дақиқа мобайнида ғалаба учун бор куч-ғайратини ишга сола билган хитойликларга муносиб қаршилик кўрсатишди. Энг муҳими, иродали ўйин намойиш этган ҳолда кўпсонли мухлисларни хурсанд қилишни ёдларидан чиқаришмади. Дарвоқе, шу ўринда ишқибозлар ҳақида: O`zLiDePнинг ўнлаб фаоллари бошчилигида Қатарга ташриф буюрган фанатларимиз аввалги мусобақаларга нисбатан кўтаринкироқ руҳда мухлислик қилиб, нафақат ҳамюртларимиз, балки бошқа жамоа тарафдорлари эътиборини жалб эта олаётганларини алоҳида таъкидлаб ўтиш керак.

— Мухлисларнинг қўллаб-қувватлаши бизга катта далда бўлмоқда, — деди бу борада uff.uz сайти орқали фикр билдирган термамиз ҳимоячиси Анзур Исмоилов. — Ростини айтсам, фанатларимиз стадионни «бошларига кўтара бошлаганларида» ўзимизни гўёки Тошкентда тўп сураётгандек ҳис қилмоқдамиз.

Термамизнинг «Осиё-2011» мусобақасидаги тўртинчи рақиби — Иорданияга тўхталар эканмиз, вакилларимиз Яқин Шарқнинг мазкур жамоаси билан шу йилнинг 2 январида ўртоқлик учрашуви ўтказгани (учрашув 2:2 ҳисобда якунланган), ўз навбатида иорданияликлар ҳамюртларимиз сингари ушбу мусобақанинг чорак финалидан («Хитой-2004»нинг «плей-офф»ида Иордания японияликлар томонидан тўхтатиб қолинганди) уёғига ўта олмаганларини айтиб ўтиш лозим.

Аҳамиятли томони шундаки, Ўзбекистон-Хитой учрашувидан сўнг журналистларга интервью берган В.Абрамов чорак финалда Япония билан учрашмоқчи эканини маълум қилганди.

— Мақсадимиз финалга чиқиш экан, қайси термага қарши тўп суришимиздан қатъи назар, ғалаба учун курашамиз, — деди бош мураббий. — Менга деса, чорак финалда Япония вакиллари билан ўйнашни хоҳлар эдим. Зеро, уларни ютиб, чорак финалдаёқ бош соврин учун курашадиган битта жамоадан қутулар эдик.

Бундан кўриниб турибдики, «ажойиб стратег» сифатида ном қозонаётган Абрамов чорак финалдан анча аввал ўзи ва қўл остидаги футболчиларни масъулиятли синовга ҳар томонлама тайёрлашга ҳаракат қилган. Шундай экан, ишончимиз комилки, вакилларимиз эртага ўтказиладиган плей-офф учрашувида масъулиятни тўлиқ ҳис қилган ҳолда ҳаракат қилишади ва термамиз тарихида илк бора аввал яримфинал, кейин финал йўлланмасини қўлга киритади. Ушбу мусобақани ойнаи жаҳон орқали кузатган миллион-миллион томошабинлар эса бу гал қитъа биринчилигида салобатли Регистон майдони жойлашган юрт — Ўзбекистон футболчилари тенгсиз деб топилганини билиб олишади.

### XV Осиё чемпионати. Чорак финал баҳслари

**21 январь**

18:25. Япония-Қатар.
21:25. Ўзбекистон-Иордания

**22 январь**

18:25. Австралия-Ироқ
21:25. Эрон-Жанубий Корея




## ЭРМАТОВ — ЭНДИ ДУНЁДА ҲАМ ЕТАКЧИ

**Халқаро футбол тарихи ва статистикаси федерацияси (IFFHS) 2010 йилнинг энг яхши ҳакамлари рўйхатини эълон қилди. Унга кўра ЖАР яшил майдонларида бўлиб ўтган жаҳон чемпионатининг финал учрашувини бошқарган, жами 189 очко тўплаган англиялик Ховард Уэбб биринчи, мазкур мусобақани очиб берган ҳамюртимиз Равшан Эрматов эса 128 очко билан иккинчи ўринни банд этди. 2009 йил якунларига кўра жаҳоннинг энг яхши ҳакамн деб топилган швейцариялик Массимо Бузакка бу гал 90 очко жамғарган ҳолда учинчи поғонадан жой олди.**

**Қизиқ томони шундаки, мазкур рейтингнинг кучли ўйталигига «ЖАР-2010» беллашувлари давомида жуда қўпол хатоларга йўл қўйган уругвайлик Хорхе Ларрионда ҳамда италиялик Роберто Розетти сингари рефериларнинг номлари ҳам киритилган.**




Қиш чилласининг ярмидан ҳам ўтдик. Мамлакатимизда бирмунча мўътадил об-ҳаво сақланиб турибди. Олинган маълумотларга қараганда 21 январь куни Тошкент, Сирдарё, Сурхондарё, Фарғона ва Наманганда қор аралаш ёмғир ёғиб ўтади. Ҳафтанинг қолган кунлари эса ҳаво очиқ келади.

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида кечаси 7-15 даража совуқ, кундузи −1-+8 даража илиқ бўлади.

Бухоро ва Навоий вилоятларида термометр тунда −2-+2, кундузи эса 5-11 даража илиқни кўрсатади.

Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида кечалари −2-+3, кундуз кунлари 6-11 даражагача исиши кутилмоқда.

Фарғона водийси вилоятларида тунда −7-+2 даража, кундузи 5-10 даража илиқ об-ҳаво кузатилади.

Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятларида тунлари 1-4 даража совуқ, кундуз кунлари эса −5-+10 даража илиқ ҳарорат қайд этилади.

Тошкент вилояти ва пойтахтимизда кечаси −3-+2, кундузи 4-9 даража илиқ об-ҳаво кутилмоқда.




## РИШОД — ЯНА «MASTERS» ҒОЛИБИ

**60 КИЛОГРАММГАЧА БЎЛГАН ВАЗН ТОИФАСИДА САЙЁРАМИЗНИНГ ЭНГ КУЧЛИ ДЗЮДОЧИСИ — РИШОД СОБИРОВ ОЗАРБОЙЖОНДА ЎТКАЗИЛГАН ХАЛҚАРО ТУРНИРДА ЯНА БИР БОР ТЕНГСИЗ ЭКАНИНИ ИСБОТЛАДИ**

Амалдаги жаҳон чемпиони, 2010 йил якунларига кўра, Ўзбекистоннинг энг яхши спортчиси деб топилган Р.Собиров 41 та мамлакатдан келган 207 нафар таниқли дзюдочи иштирокида бўлиб ўтган мусобақа финалига қадар Ганбат Богдбаатар (Монголия), Амиран Папинашвили (Грузия) ва Беслан Мудранов (Россия) каби машҳур полвонларни мағлуб этди. Ҳал қилувчи учрашувда эса россиялик Арсен Галстянга ҳеч қандай имконият қолдирмади.

Мукофот жамғармаси 200 минг АҚШ долларини ташкил этган мазкур турнир мавқе бўйича Олимпия ўйинлари ва жаҳон чемпионатидан кейин турувчи мусобақа ҳисобланади. Аҳамиятлиси, Ришод «Masters» таснифига кирувчи ана шу беллашув ғолиби бўлиш билан бирга ўз ҳисобига яна 400 рейтинг очкоси қўшиб қўйишга эришди ва «Лондон-2012» йўлланмаси сари дадил қалам ташлади.

## КРОССВОРД

**Бўйига:** 1. ... мамлакати — АҚШга берилган норасмий ном. 2. Амир Темурнинг ҳам маслаҳатгўйи, ҳам суюкли завжаси. 3. Рихтер ...си. 4. Ҳаёт йўли. 5. Пушти ранг қанотли узуноёқ қуш. 8. Балиқлар «хонадон»и. 10. Африканча рақс. 13. Франциялик таниқли ўлкашунос. 16. Ташқи қиёфа, афт. 18. ... беқарор,填бировни ҳаддан зиёд севиб қолган. 19. Хонакилаштирилган сазан. 20. Қизил сайёра. 21. «Пахтакор» футбол клуби сардорининг исми. 22. Спиртли ичимлик. 23. ... Ҳовуз (Бухородаги қадамжо).

**Энига:** 6. Маълумотларга кўра, Альберт Эйнштейн нисбийлик назариясига асос солишдан аввал айнан ана шу мусиқий асбобда бетакрор асарларни ижро этиш билан танилган. 7. Жигарранг ва тўқ сариқнинг ўртаси. 8. Ер ўлчов бирлиги. 9. Мамлакат бошқарув органларидан бири. 10. Тоғ «туя»си. 11. Савдо мажмуаси. 12. Навоий вилоятининг энг ёш тумани. 14. Бирон-бир спорт клубига оид кийимлар, байроқлар ва бошқа анжомлар мажмуаси. 15. Форс тилида «сув». 17. Биринчи нота. 21. Дардлашиш, ҳасратлашиш. 24. Катта мансаб эгаси. 25. Йилқи боқувчи. 26. Меванинг устки қавати.










Саҳифа материалларини Шуҳрат ХЎЖАЕВ тайёрлади.